

иҗтимоий-маърифий журнал

Охирин



Омина

электрон журнали

Бадий раҳбар:

Одинахон МУҲАММАД СОДИҚ

Масъул муҳаррир:

Азиза Жалолитдинова

Ҳайъат аъзолари:

Мадина Джураева
Муҳайё Муҳаммад Юсуф
Гулшода Аллоқулова
Адолат Ҳусанова
Замира Тўйчиева
Адиба Сулаймонова

Муҳаррирлар:

Барно САИДРАҲМОН
Райҳона ШОМИРЗАЕВА

Дизайнер:

Рухсора АЗИЗОВА





“Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулуллоҳда гўзал ўрнак бор”

Бизни Ўзининг охирги пайғамбари бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматларидан қилган ва «Батаҳқиқ, сизлар учун – Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулуллоҳда гўзал ўрнак бор», деган Аллоҳ таолога

чексиз ҳамду санолар бўлсин.

Ҳаётларининг ҳар бир лаҳзаси биз учун ибрат манбаи бўлган ҳабибимиз ва шафоатчимиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга батамом ва мукамал саловоту дурдлар бўлсин.

Пайғамбаримизнинг улкан ва ибратли ҳаёт-

ларининг ҳар бир лаҳзасини диққат билан ўрганиб, келажак авлодларга ўта аниқлик ила ривоят қилиб, қолдириб кетган саҳобаи киромларга Аллоҳ таолонинг розилиги бўлсин.

Тунларни кунларга улаб, омонат ила Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёт йўллари – сийратлари

ҳақида тайёр китоблар қолдириб кетган сийрат илми уламоларига Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин.

Аллоҳ таоло яратган бандалари ичида энг афзали, пайғамбарларнинг охиргиси ва мукаммали бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳаётлари барча инсоният учун ўрнак эканлигига заррача шубҳа йўқ. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг инояти ила қуршалган ушбу муборак ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси ўта аниқлик ва диққат билан ўрганилганига ҳам заррача шубҳа йўқ.

Ҳа, бу улуғ ҳаёт қанчалик эҳтимом билан ўрганилса, шунча яхши.

Чунки бу ҳаёт Одам Атонинг сулбидалигидан то охирги лаҳзасигача Аллоҳ таолонинг алоҳида иноятига сазовор бўлган бир ҳаётдир!


Чунки у энг афзал банданинг, энг сўнгги ва энг маҳбуб Пайғамбарнинг муборак ҳаётидир.

Чунки бу ҳаётнинг йигирма уч йили осмон билан ернинг, яъни Роббил

оламийн билан оламларнинг бевосита боғланишига сабаб бўлган ҳаётдир.

Чунки бу ҳаёт унинг соҳиби илоҳий дастур асосида тўлақонли ва ер юзида жонли Қуръон бўлиб яшаган ҳаётдир.

Чунки бу ҳаёт барча



учун гўзал ўрнак манбаи бўлиб, мўмин-мусулмонлар учун илҳом чашмаси бўлган ҳаётдир.

Чунки бу ҳаёт уни диққат билан ўрганиб, ундан ўрнак олиб, эргашиб яшаган кишилар учун жаннат йўлига етакловчи ҳаётдир.

Чунки бу ҳаёт осмонлар малакутига кўтарилган, ҳар лаҳзаси Аллоҳ таолонинг ваҳийси ила

йўлга солинган ва фаришталар ҳам ҳавас қилган ҳаётдир.

Шу билан бирга, бу ҳаёт ер воқеълигидан ажралиб қолмаган, оддий инсонлик табиатидан ҳеч четламаган, оддий ота-онадан туғилиб, ўсган камтар бир банданинг ҳаётидир.

Қолаверса, бу ҳаёт дунёдаги барча эзгу фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ва барча разолатлардан узоқда бўлган зотнинг ҳаёти эканлиги диққатга моликдир.

Чунки бу ҳаёт Аллоҳ таолонинг ўзи томонидан етарли даражада мақталган ҳаётдир.

Чунки бу ҳаёт ошиқлари ишқида ёниб, уни диққат билан ўрганган ва ундан имкони борича ўрнак олган ҳаётдир.

Чунки бу ҳаёт унинг душманлари ундан камчилик топа олмай, доғда қолган, унга тухмат қилиб, шарманда бўлган ва охири унинг буюклигига тан берган ҳаётдир...

Шайх Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф
раҳимахуллоҳ



Аллоҳнинг гўзал исмлари

Ар-Раҳийм

Латиф неъматлар берувчи. Бу сифат хосроқ бўлиб, «Қиёмат куни фақат мўминларга раҳм қилувчи» маъносини англатади. Бу исм Аллоҳдан ўзгаларга, жумладан, Пайғамбар алайҳиссаломга нисбатан ҳам ишлатилади.

Аллоҳнинг ар-Раҳийм исми ат-Таввоб, ал-Ғофур, ар-Роуф, ал-Вадуд, ал-Азиз сифатлари билан ёнма ён келган, чун-

ки ар-Раҳийм сифати хос раҳмат, ар-Раҳмон сифати эса умумий раҳматдир. Фараз қилайлик, бир мактабда янги ўқув йили бошланди. Ўқиш давомида барча талабалар умумий имтиёзга эга бўладилар. Уларнинг барчасига бир хил стол-стул берилди, уларга бир хилда эътибор қаратилади. Аммо ўқув йили охирида имтиҳондан муваффақиятли ўтганларгина тақдирланади. Аллоҳ-

нинг ар-Раҳмон исми барча халойиқни, яъни мўминни ҳам, кофирни ҳам, даҳрийни ҳам, ҳақ йўлдагини ҳам, залолатга кетганни ҳам ўз ичига олаверади. Аммо ар-Раҳийм исми фақат Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирган, Унинг амрларини мукамал бажарган, нима учун яратилган бўлса, ўша мақсадда, ўша маслақда ҳаёт кечирганларнигина ўз ичига олади. Аллоҳ таоло дунёдаги барча

халойиққа ар-Раҳмондир, охиратда эса фақат мўминларга ар-Раҳиймдир.

Айтиб ўтиш жоизки, ар-Раҳмон исми билан ҳам азоб келиши, зилзила, сув тошқинлари юз бериши мумкин, чунки мусибатлар ар-Раҳмон сифатли Зотнинг гуноҳларимизга яраша илоҳий муолажасидир. Лекин дунё тугагач, охират диёрига кирганимизда Аллоҳ таоло тўғри йўлда юрган мўмин бандалар учун ар-Раҳийм Зотдир.

Хос раҳматга сазовор бўлиш учун Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилиш керак. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **«Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилинлар, шоядки раҳм қилинсангиз»**, деган (*Оли Имрон сураси, 132-оят*).

Хос раҳматга сазовор бўлиш учун ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида ҳусни хулқ талаб қилинади. Ҳатто олди-сотди қилганда ҳам чиройли муомала қилиш керак. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сотганда ҳам, сотиб олганда ҳам, ҳақ талаб қилганда ҳам бағрикенг бўлган кишига Аллоҳ раҳм қилсин!» деганлар (Имом Бухорий ривояти). Ар-Раҳийм исми илмий жиҳатдан Аллоҳнинг зотига

далолат қилса, васфий жиҳатдан У Зотнинг раҳмат сифатига далолат қилади. Дунёда Аллоҳга яқинлашиш учун ҳам жаннат бор бўлиб, ким бу жаннатга кирмаса, охиратдаги жаннатга ҳам кира олмайди.

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинлар ва Унинг Пайғамбарига иймон келтиринлар, У Зот Ўз раҳматидан сизларга икки ҳисса беради» (*Ҳадид сураси, 28 оят*).

Аллоҳ таоло бандаларга икки раҳматнинг кафолатини берди: уларнинг бири дунёда, бири охиратдадир. **«Роббининг ҳузурда туришдан кўрққанлар учун икки жаннат бор»** (*Раҳман сураси, 46-оят*).

Кибор уламолар шундай дейишган: «Ким дунёдаги жаннатга кирмаса, охиратдаги жаннатга ҳам кира олмайди. Ким Аллоҳни таниш, У Зотни зикр қилиш орқали энг бахтли инсон бўла олмаса, иймон ҳаловатини тота олмайди».

Бошқача қилиб айтганда, қалбнинг тубидан «Мен мўминман, демак, ер юзидаги энг бахтли одамман, мендан кўра бахтли одам йўқ» деган хитоб отилиб чиқмаса, бу дунёнинг жаннатини ҳис қилиб бўлмайди.

Бунинг ёрқин намунаси Иброҳим Адҳамнинг қуйидаги сўзларидир. У киши: «Агар подшоҳлар биздаги ҳаловатни тотиб кўришса, уни қилич билан бўлса ҳам тортиб олган бўлишарди», деган эканлар.

Душманларим менга нима ёмонлик қила олишарди? Ахир бўстоним қалбимда бўлса. Улар мени йироқлатишса, узоқлатишгани мен учун саёҳатдир. Ҳибс қилишса, мен учун узлатдир. Ўлдиришса, мен учун шаҳодатдир.

Ахир Иброҳим алайҳиссаломни оловга улоқтиришганда ҳам у зот оловнинг ичида ўзларини жаннатда тургандек ҳис қилдилар.

Каҳф соҳиблари ҳам ғорда ўзларини жаннатдагидек ҳис қилдилар.

Юнус алайҳиссалом балиқнинг қорнида ўзларини жаннатдагидек ҳис қилдилар.

Аллоҳ сен билан экан, бошқа яна нима керак!

Мўмин киши учун Аллоҳнинг ар-Раҳийм исмидан кўра яқинроқ исм йўқ. Масалан, раҳмат гоҳида соғлик, гоҳида офият, гоҳида фикр сокинлиги, гоҳида солиҳа хотин, гоҳида қобил фарзанд, гоҳида шуҳрат, гоҳида сукунат, гоҳида ўткир фикрли бўлишдир.

Шулардан бирортасига путур етса, инсон зоти тоқат қила олмайдиган жаҳаннамга айланади. Аллоҳ сизу бизга раҳм айлаб, бахтли қилиш учун яратган. «**Парвардигорингиз раҳм қилган кишиларгина (ҳақ йўлда яшарлар). Уларни шунинг учун (яъни ҳақ йўлда ҳидоят топишлари учун) яратган**» (*Худ сураси, 119-оят*).

Аллоҳ бир бандага раҳм қилса, ўша одам бахт-саодатда, муваффақиятда яшайди. Аллоҳ бир бандани яхши кўрса, унга раҳм қилади ва барча махлуқотларнинг қалбига унинг муҳаббатини жойлаб қўяди.

Мўмин киши пайғамбарларга эргашувчи бўлади. У ҳаёт йўлини нимадир олишга эмас, нимадир бериш асосига қуради. Мўмин киши мол-мулки ва вақтини сарфлаб, фарзандларини тарбиялайди, мусулмонларга нисбатан холис бўлади, уларнинг хизматида бўлади.

Хўш, у нима учун бундай қилади? Чунки Аллоҳнинг раҳматидан, тухфасидан умидвор бўлади. Оддийгина бир мисол. Бир подшоҳ ўғлини ўқитиш учун бир муаллим тайинлади. Муаллим ўн марта дарс бергач, диққинафас бў-

либ, подшоҳнинг ўғлига: «Менинг ҳаққимни беринглар», деди. Бола: «Устоз, қанча берайлик?» деган эди, муаллим: «Ҳар бир дарс учун минг динордан», деди. Бироз ўтиб, айтган пули олиб келинади. Бечора муаллим! Билмайдики, агар озгина сабр қилса, боланинг отаси унга бир ҳовли, улов ва ойлик маош тайинламоқчи бўлиб юрган эди. Инсон фақат пул учун ҳаракат қилса, пул учун гапирса, пул учун маслаҳат берса, демак, у Аллоҳни яхши танимас экан, чунки мўминнинг ҳаёти олиш эмас, бериш асосига қурилган.

Замонавий тил билан айтганда, мўминнинг ҳаёт стратегияси беришга асосланган бўлади. Шу жиҳатдан инсониятни икки хил тоифага ажратиш мумкин бўлиб, уларнинг вакили зўравонлар ва пайғамбарлардир. Зўравонлар ҳеч нарса беришмайди, фақат олишади. Пайғамбарлар эса ҳеч нарса олишмайди, фақат беришади. Шунинг учун мўмин одам пайғамбарларга эргашиб, ҳаётини бериш устига қуради. Мўмин одам атрофидигиларга нимадир бергандагина ўзини бахтли ҳис қилади.

Баъзида бир кишига яхшилик қилсанг, ёнингга келиб: «Хизмати қанча бўлади?» деб қолишади. Афсуски, бундайлар бу гап билан сизга қанчалик озор берганини билмайди. Унга: «Мен буни Аллоҳнинг розилиги учун қилдим. Ҳеч нарса керак эмас» десаңгиз, тушунишмайди. Моддапараст одам буни қаердан ҳам билсин? У ҳар бир нарсани «ҳамма нарса пул билан ҳал бўлади», деган ноқис мезон билан ўлчайди.

«Сизларни Аллоҳнинг розилиги учунгина овқатлантирамиз. Эвазига сизлардан мукофот ёки ташуккур хоҳламаймиз» (*Инсон сураси, 9-оят*).

Мўмин киши ҳар доим Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлади. Шунинг учун ҳар куни Қунут дуосида: «Наржуу роҳматак, ва нахшаа ʼазаабак» ("Раҳматингдан умидвормиз, азобингдан қўрқамиз", деймиз.

Аллоҳ таоло барчамизга ўзининг ар-Раҳийм сифати ила тажаллий қилсин!

Манба: islom.uz.

Доктор Муҳаммад Ротиб Наблусийнинг "Аллоҳнинг гўзал исмлари" номли асари асосида Анвар Аҳмад таржимаси

НАБИЙ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ АҲЛОҚЛАРИ



عَنْ أَبِي سَعِيدٍ
رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ
النَّبِيُّ ﷺ أَشَدَّ حَيَاءً
مِنَ الْعَذْرَاءِ فِي
خَذْرَهَا، وَكَانَ إِذَا
كَرِهَ شَيْئًا عَرَفْنَاهُ
فِي وَجْهِهِ. وَفِي
رَوَايَةٍ: لَمْ يَكُنْ
النَّبِيُّ ﷺ فَاحِشًا
وَلَا مُنْفَحِشًا،
وَقَالَ: إِنَّ خِيَارَكُمْ
أَحْسَنُكُمْ أَخْلَاقًا.
رَوَاهُمَا الشَّيْخَانِ.
وَفِي رَوَايَةٍ: كَانَ
رَسُولُ اللَّهِ ﷺ
أَحْسَنَ النَّاسِ خُلُقًا.

Абу Саъид розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам хидридаги бокира қиздан ҳам ҳаёлироқ эдилар. Бир нарсани ёқтирмасалар, юзларидан билар эдик...».

Шарҳ: Ҳадисдаги «хидр» сўзи аслида уйнинг бирор тўсиқ, парда билан ажратилган бўлаги деган маънони билдиради. Бу ерда эса хидр деганда бўйи етиб қолган бокира қизларни бегона кўзлардан яшириш учун ажратилган алоҳида жой назарда тутилмоқда. «Фаҳш» сўзи қабиҳ гапни

айтишга нисбатан ишлатилади.

Шунингдек, матндаги «фоҳиш» ва «мутафаҳҳиш» сўзларини «фаҳшчи» ва «фаҳш қилувчи» деб таржима қилиш мумкин. «Фоҳиш» деб табиатида қабиҳ гапларни айтишга мойил, оғзи ёмон киши кўзда тутилади. «Мута-

фаҳҳиш» деганда эса табиатида бўлмаса ҳам, ўзини мажбур қилиб, қабиҳ сўзларни айтувчи одам кўзда тутилади. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг табиатларида аслида қабиҳ сўз айтиш бўлмаган, шу билан бирга, у зот ўзларини мажбур қилиб ҳам қабиҳ сўзлар айтмаганлар.

Васият қилиш вожиб амал

Кимнингдир зиммасида қазо намоз, рўза, закот, ҳаж, садақаи фитр, қасам ёки бирор фарз ёки вожиб бўлган молиявий ибодатнинг каффорати, фидяси бўлса, вафот этишидан олдин уларни адо қилишга васият қилиш вожиб ҳисобланади. Агар бепарво бўлиб васият қилмай вафот топса, гуноҳкор бўлади.

Вафот этган майитнинг намоз, рўза, закот, ҳаж ва бошқа амалларнинг фидяси миқдори

1. Ҳар кунлик беш вақт намоз витр қўшилиб олтига бўлади. Ҳар вақт намознинг фидяси ярим соъ буғдой (1087,5гр) ёки унинг қиймати бўлади.

2. Бир кунлик рўзанинг фидяси бир вақт намознинг фидясига баробардир.

3. Неча йил қодир бўла туриб закот бермаган бўлса, ўша йиллардаги молнинг миқдори аниқланиб, ҳар йилдаги молнинг қирқдан бири закотга чиқарилади.

4. Ҳаж фарз бўлиб, майит уни адо қила олмаган бўлса, майит яшаган жойдан унинг номидан ҳажжи бадал қилдирилади.

5. Неча йил садақаи фитр бермаган бўлса, ҳар йил учун икки кило буғдой ёки унинг қиймати берилади.



6. Қурбонликка қодир бўла туриб қилмаган йиллари учун бир яшар қўй ёки эчкини қиймати ёки

мол-туянинг еттидан бир ҳиссасини чамалаб, унинг қиймати садақа қилинади.

7. Тиловат саждаларини қила олмай қолган бўлса, ҳар бир сажда эвазига эҳтиётан бир вақт намознинг фидяси миқдорича садақа қилинади.

8. Агар қолдирган намоз, рўза ва бошқаларнинг аниқ адади маълум бўлмаса, тахминан ҳисоб қилинади.

Ножоиз васиятларга бир неча мисоллар

Бу ерда шариатга мувофиқ бўлмаган ботил васиятлардан бир нечасини санаб ўтамыз.

1. Ортидан уч, қирқ, йил ва маърака қилишга васият қилиш.

2. Қабр тоши қўйишга васият қилиш.

3. Қурбонлик кунларидан ташқари қирқ, йил каби муносабатлар учун қурбонлик қилишга васият қилиш.

4. Ортидан уввос солиб йиғлашга васият қилиш

5. Ҳар қандай шариатда гуноҳ ҳисобланган амалларга васият қилиш

Буларнинг барчаси ботил васиятлар бўлиб, уларга амал қилмаслик керак бўлади.

Замира Тўйчиева
тайёрлади



У ЗОТНИНГ ТУҒИЛИШЛАРИ

صلى الله
عليه
وسلم

Оминанинг ҳомиласи оддий ҳомила эмас эди. Бу ҳомила хайр-барака ҳомиласи эди. Аллоҳ таоло ана шу ҳомиланинг баракасидан Каъбани бузиб ташлаш ниятида Маккага бостириб келган Абраҳа бошлиқ фил эгаларини ҳалок этди.

Омина эса ўзида ҳомиладор аёлларда бўладиган машаққатларни мутлақо сезмас эди. Тушида ғойибдан келган овоз унга «Албатта, сен ушбу умматнинг улуғига ҳомиладор бўлдинг», дер эди.

Аллоҳ таоло фил эга-

ларини ҳалок этганидан эллик кун ўтиб, Оминани тўлғоқ тутди. Бу тўлғоқ оддий тўлғоқ эмас эди. Оминанинг ҳомиласи одатдаги ҳолатлардан тамоман ўзгача бир ҳолатда ёруғ дунёга келди. Унинг қорнидан гўё бир нур – гўдак худди сажда қилаётгандек ҳолда ерга тушди.

Дунёни нурга тўлдирган, бутун мавжудотни бахтга чўмдирган бу улуғ кун Рабиъул аввал ойининг ўн иккинчи куни, душанба куни (милодий 570 йил, 20 апрель) эди.



У ЗОТ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ТУҒИЛИШЛАРИГА БОҒЛИҚ АЖОЙИБОТЛАР

Ўша куни одамлар кўпгина одатдан ташқари ҳодисаларнинг шоҳиди бўдилар:

1. Бутлар ларзага тушиб, қимирлаб кетди. Баъзилари юзтубан ерга йиқилди. Чунки уларни йўқ қилувчи зот дунёга келган эди.

2. Маккадан бир нур зоҳир бўлиб, Шомдаги қасрларни ёритиб юборди. Чунки бутун дунёга иймон нурини элтувчи зот дунёга келган эди.

3. Ҳишом ибн Урваннинг таъкидлашича, ўша куни Маккада тожирлик қилувчи бир яҳудий қурайшликлар тўпланиб ўтирган жойга келиб:

«Эй қурайшликлар жамоаси, бугун сизларда бирор бола туғилдими?», деган. Улар:

«Билмадик», дейишган. Шунда ҳалиги яҳудий:

«Аллоҳу Акбар! Аммо билмаган бўлсангиз, биллинг! Сизга айтадиган гапимни яхшилаб ёдлаб олинг! Бугун ушбу охириги умматнинг набийси туғилди. Унинг икки кураги орасида аломат бор. Аломатнинг устида туклар бор», деди.

4. Ҳассон ибн Собит розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Етти-саккиз ёшдаги бола эдим. Кўрган-эшитган нарсамга ақлим етар эди. Бир куни эрталаб Ясрибда бир яҳудий:

«Эй яҳудийлар жамоа-

си!» деб бақариб қолди. Унинг олдига тўпланишди. Мен эшитиб турибман. Улар:

«Шўринг қурғур, сенга нима бўлди?» дедилар.

«Батаҳқиқ, бу кеча туғиладиган Аҳмаднинг юлдузи чиқди!» деди».

5. Махзум ибн Ҳонеъ ал-Махзумийнинг айтишича, ўша куни Форс подшоҳи Кисронинг айвони ларзага келиб, ўн иккита болахонаси қулаб тушган. Мажусийларнинг минг йилдан буён ўчмай турган оловлари ўчиб қолган.

Баъзи бир кишиларга бу гаплар ғалатиноқ туюлиши мумкин. Лекин бор ҳақиқат шу. Бу ҳодисалар турли тарихчилар томонидан, жумладан, мусулмон эмаслари томонидан ҳам ўрганиб чиқилган. Уларнинг барчаси мазкур ҳодисалар муболаға эмаслигини тасдиқлаганлар.

Буларнинг ҳаммаси Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг келажакда ким бўлишларига ишорат эди.

Омина янги туғилган гўдакнинг суюнчилик хабарини бериш учун Абдулмуттолибга одам юбориб, «Сизга бир ғулом туғилди, келиб, унга бир назар солилинг», деди.

Эҳтимол, у киши бу билан янги куёвлик чоғидаёқ вафот этган ўғлининг кўйида ўртаниб юрган кекса отанинг кўнглига бир оз

қувонч киришини истагандирлар.

Абдулмуттолиб қувончга тўлган ҳолида шошиб, етиб келди. Мурфак набирасини қўлига олиб, ўпди. Уни авайлаб кўтариб, Каъбаи Муаззаманинг ичига олиб кирди. Аллоҳ таолога ҳамд айтиб, дуои хайрлар қилди. Сўнгра набирасига Муҳаммад деган исм қўйди. Араблар ичида бу исм ҳали тарқалмаган эди. Одамлар ҳайрон қолишди...

Жубайр ибн Мутъим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга бешта исмни айтдилар:

«Мен Муҳаммадман. Мен Аҳмадман. Мен Моҳийман, Аллоҳ мен ила куфрни маҳв этур. Мен Ҳоширман, Аллоҳ менинг икки қадамим олдига одамларни ҳашр этур. Мен Оқибман», дедилар».

Икки Шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўзларининг асосий исmlарига қўшиб, яна тўртта сифатларидан келиб чиқадиган исmlарини ҳам тилга олмоқдалар:

1. Муҳаммад.

Бу муборак исмнинг луғавий маъноси «ҳамд-мақтов айтилган»дир. Араб тилининг хусусиятларидан келиб чиқиб, тилшунос уламолар «Айни шу сийфадан,

яъни Муҳаммад сийғасидан «Мақтови тинмай янгила-ниб турувчи» деган маъно чиқади», дейдилар.

Тарихчиларнинг ривоят қилишларича, Омина она-миз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳомиладорлик вақтларидида кўрган тушларида болалари туғилганда уни Муҳаммад деб номлашлари кераклиги айтилган экан.

Шунингдек, Абдулмуттолиб ҳам тушида ўз сулбидан одатдагидан бошқа улуғ мақомга сазовор бўладиган фарзанд туғилишига ишора қилувчи ҳолатни кўрган экан. Икки тушнинг таъсирида ва келиннинг гапига биноан, Абдулмуттолиб набирасини Муҳаммад деб атаган.

Тарихчиларнинг таъкидлашларича, ўша вақтгача арабларнинг ичида фақат уч кишига Муҳаммад исми қўйилган экан.

Бир гуруҳ кишилар бир подшоҳнинг ҳузурида бўлишибди. У аввалги китоблардан хабардор экан. Подшоҳ суҳбат давомида Ҳижоз томондан Муҳаммад номли пайғамбар чиқишининг хабарини айтибди.

Меҳмонлар ичидан уч кишининг хотинлари ҳомиладор экан. Учовлари ҳам «Хотиним ўғил туғса, исмини Муҳаммад қўяман», деб ният қилибдилар. Уларнинг хотинлари ўғил туғибди. Фарзандларни яхши ният билан Муҳаммад деб номлабдилар.

Улар қуйидаги кишилар эканлар: Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Мужошеъ, Муҳаммад ибн Аҳижжа ал-Жаллоҳ ва Муҳаммад ибн

Ҳимрон ибн Робийъалар.

2. Аҳмад.

Бу муборак исмнинг маъноси «Кўп ҳамд айтувчи» бўлиб, бу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳ таолога кўп ҳамд айтишларига ишорадир. Аввалги самовий китоблардаги башоратларда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг фақат Аҳмад исмлари келган.

соллаллоҳу алайҳи васаллам ила куфрни ўчириб ташлайди.

4. «Мен Ҳоширман, Аллоҳ менинг икки қадамим олдига одамларни ҳашр этур».

Яъни Аллоҳ таоло қиёмат куни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қадамлари олдига ҳашр майдонида халойиқни тўплайди.



3. Моҳий.

Бу исмнинг маъносини Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ўзлари «Мен Моҳийман, Аллоҳ мен ила куфр-ни маҳв этур» деб баён қилиб бермоқдалар.

Биз маҳв этишнинг ҳозирги пайтдаги кўпроқ ишлатиладиган маъносини оладиган бўлсак, «ўчириб ташлаш» маъноси тўғрироқ келса керак. Яъни Аллоҳ таоло Муҳаммад мустафо

5. Оқиб.

Бу муборак исмнинг маъноси «ортдан келувчи» деганидир. Чунки Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамма пайғамбарларнинг ортидан охириги пайғамбар бўлиб келганлар, у кишидан кейин бошқа пайғамбар келмайди.

МАВЛИДДАГИ ЯНГИ БИДЪАТ

Аллоҳ азза ва жаллага беҳисоб шукр, яна Рабиъул аввал ойига етдик.

Рабиъул аввал Жанобимизга доялик қилган муборак ой...

Рабиъул аввал. Биласизми, унинг маъноси нима? Биринчи баҳор дегани. Нега бундай аталган экан- а? Ҳа, у оламга ҳаёт бахш этган, кўнгилларнинг баҳори бўлган сўнгги Пайғамбарни тақдим қилган ойдир. Шунинг учун ҳам у қадимдан шундай аталиб қолган бўлса, ажаб эмас. Бироқ у биз учун жуда ҳам қадрли ой бўлса-да, ҳар йили у Расулимизнинг асрларидан тобора узоқлаштириб келаётгани ҳам ҳақиқат...

Рабиъул аввал! У оламларнинг Сарвари, бани Одам саййиди Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллудларига гувоҳ бўлган ой. Шунинг учун ҳам у “мавлид ойи” – таваллуд ойи деб номланган.

Рабиъул аввал! У бизга ҳабибимиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни эслатгани билан азиз. У бизни жанобимизга саловот айтиб, сийратларини ўрганишга ундайди. У бизларни бир-биримизга мурувват қилишга чорлайди...

Бу муборак ойни кўпчилик мусулмонлар ўзгача кайфият ва тайёргарликлар билан кутиб оладилар ва уни ўзига хос тарзда нишонлайдилар. Кимлардир ширин илмий мажлислар уюштирадилар, мавлидхонлик қилдилар. Кимдир фақир-мискинлар, етим-есирларга мурувват қилса, яна бошқалар эса ўзаро ҳадялар улашадилар. Албатта, бу ишларнинг ҳаммаси ҳам гўзал, ҳаммаси ҳам мақтовга лойиқ. Аммо иш хатосиз, гуруч кур-

максиз бўлмайди, деганларидек, мазкур тантанавор гўзал ишлар орасига айрим номақбул одатлар ҳам оралаб қолмоқда. Биз ҳозир бу ҳақида гапирмай, ана шу маросим ва тадбирларда бот-бот кўзга ташланиб қоладиган янгича бир одатга тўхталиб ўтмоқчимиз. Буни танқид деб эмас, балки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўрган қардошларнинг суҳбати, насиҳати ўлароқ қабул қилишингизни сўраган бўлар эдик.

Охирги вақтларда мавлид маросимларида, шу тадбирга атаб пиширилган тортлар устига «Муҳаммад» соллаллоҳу алайҳи васаллам ёзуви суратини тушириш ёки уларга равза мутахҳаро шаклини бериб яшаш ҳолатларини учратиб қолаяпмиз. Буни, ростки, қандоқ тушуниш, нима деб изоҳлашни ҳам билолмай, бош қотиб қолади гоҳида...

Тўғри, бу ишни қилган азизларимиз азбаройи завқлари тошиб кетгани, нимадир қизиқроқ бир нарсани ташкиллаштириш мақсадида амалга оширадилар. Аммо улар осмонлару ерда то маҳшаргача ва охират диёрида ҳам тинимсиз мақталиб турадиган, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзи номларини қўйган зотнинг исмини егуликка ёзиб, кейин уни кесиб ейишлари жуда ҳам ғариб ҳолат эмасми? Муборак исmlарини айтишга истиҳола қилганидан, фарзандларини у зотнинг номлари билан аташга ботинмай, «Муҳаммад» исми ёнига бирор бошқа исми ҳам қўшиб айтувчи мухлис аждодлар авлоди, наҳот бугун бу исми ҳам ейишгача борса?

Маили, уни емасдан, алоҳида ажратиб қўйилади, деб эътироз билдирилиши ҳам

мумкин, аммо мусулмонларнинг қалби доимо ташна бўлиб, талпиниб турувчи, ичида икки олам сарвари ва у зотнинг икки дўсти мангу кўним топган хонаи саодат – Равза мутахҳаро шаклида ясалган тортларга нима дейиш мумкин ахир? Наҳотки уни кесиб, бўлаклаб, ҳеч бир хижолатсиз еб ўтирадиган нотавонларга айландик?

Болалигимни эслаб қолдим. Бувимлар, онамлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг номлари ёзилган, кулоҳ, таёқ ва либослари сурати сақланадиган хонада ҳатто оёқ узатишмас эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг исmlарини ҳеч қачон тилга олишмас, у зот ҳақларида гапирилганда, қўллари кўксиларида бўлиб, фақатгина «Жанобимиз», «Пайғамбаримиз» ёки шу каби эҳтиромли номлар билан гапиришар эди. Биз ҳам у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг номларини айтишни улкан одобсизлик, андишасизлик деган тушунчада улғайган эдик. Ана шундай оналарнинг қизлари бугун бу муборак исmlарни ширинликларга қўшиб емоқдалар, қалблар мангу талпинувчи мунис ҳужра макетларини тап тортмай кесмоқдалар ва... умматликни, шафоатни даъво қилмоқдалар...

Балки бу нарса бир қараганда эътиборли, гапиришга арзирли эмасдир, аммо кичик эътиборсизликлар катта кўнгилсизликларни келтириб чиқаришини ҳисобга олсак, бир ўзимиз ва ишларимизни тафтиш қилиб қўйишга арзийди, деб ўйлаймиз.

Зебунисо ҚУТБИДДИН
қизи

Ҳар бир ишида



Аллоҳ таолони ҳис қилиб туриш

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Иймоннинг энг афзали – қаерда бўлма, Аллоҳ сен билан бирга эканини билишингдир», дедилар».

Табароний ривоят қилган.

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳга тақво қил. Ёмонликка яхшилиқни эргаштир, бу уни ўчиради. Одамларга ҳусни хулқ ила муомала қил», дедилар».

Аҳмад, Термизий, Доримий, Ҳоким ва Байҳақий ривоят қилганлар.

Ушбу хислатда ҳам гўзал ўрناق соҳибларига эргашишимиз, ўзимиз бошқаларга ўрناق, намуна бўлишимиз нақадар муҳим эканини ҳар биримиз яхши англашимиз лозим. Аслида барча муаммоларга барҳам беручи энг асосий омил мана шу эмасми? Аллоҳнинг ҳамиша биз билан бирга эканини, кузатиб турганини, ҳар бир айтаётган сўзимизни эшитиб, қилаётган ҳар бир амалимизни кўриб-билиб турганини ҳис этганимизда, ҳеч бир хатога йўл қўймаган, гуноҳлар содир этмаган, бунчалик ғафлатда қолмаган бўлар эдик.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга худди Уни кўриб турга-

нингдек ибодат қилишинг. Гарчи Уни кўрмасанг-да, У сени кўриб турур», деганлар.

Нима қилсак, Аллоҳ таолонинг биз билан эканини, бизларни, ҳатто уяси ичида ғимирлаётган чумолининг ҳаракатинию, ўз фалакида ҳаракат қилаётган сайёраларни ҳам кўриб-билиб турганини ҳис қиламиз?

Албатта, бу зикрда бардавом бўлиш билан амалга ошади.

Аллоҳ таоло Қуръони Карим шундай марҳамат қилади:

«Ўзингни эртаю кеч Роббларига, Унинг юзини ирода қилиб, дуо қилувчилар билан бирга тут. Дунё ҳаётининг зийнати ни хоҳлаб, улардан икки кўзингни бурма. Қалбини Ўз зикримиздан ғофил қилиб қўйганларимизга ва ҳавойи нафсига эргашиб, иши издан чиққанларга итоат қилма» (*Каҳф сураси, 28-оят*).

Яъни «Бизнинг зикримиздан ғофил юрганларга, гарчи улар катта мансабдор, ҳасабию насаби юқори, бой-бадавлат, кучли,

бақувват бўлсалар ҳам, итоат қилма. Чунки Аллоҳнинг зикридан ғофил одамдан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Ким бўлишидан қатъи назар, Аллоҳга бўйсунмай, ҳавойи нафсининг йўлига юрганларга итоат қилма».

Имом Табароний Муоз ибн Абдуллоҳ ибн Нофеъдан ривоят қилади:

«Мен Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу, Абдуллоҳ ибн Жаъфар ва Абдуллоҳ ибн Абу Умайра розияллоҳу анҳулар бор мажлисда бўлдим. Абдуллоҳ ибн Абу Умайра шундай деди:

«Мен Муоз ибн Жабалнинг шундай деганини эшитганман: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Икки калима бор. Бири Аршга етмасдан тугамайди, иккинчиси осмон билан ернинг орасини тўлдиради: «Лаа илааҳа илаллоҳу, Аллоҳу акбар», деганларини эшитганман».

«Шундай деганларини ўзинг эшитганмисан?» деди Ибн Умар Ибн Абу Умайрага.

«Ҳа», деди у. Шунда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу хўнграб йиғлаб юборди. Унинг кўз ёшлари соқолини хўл қилди ва:

«Уша икки калимани ёд биламиз ва кўп зикр қиламиз», деди».

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ибодатнинг қайси турини адо қилаётган бўлсалар ҳам, хаёлларида ўзларини Аллоҳ таолонинг ҳузурда тургандек ҳис қилар эдилар.

Ибн Абу Шайба раҳма-

туллоҳи алайҳ қўйидагиларни келтирадилар:

«Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу: «Эртаю кеч Аллоҳнинг зикрини қилиш Аллоҳнинг йўлида қилич синдиришдан ҳам, ҳовучлаб мол беришдан ҳам афзалдир», дер эдилар».

Шу ўринда зикрнинг фойдаси, унинг фазли ҳақида «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг 35-жузи, яъни «Зикр, дуолар ва истиғфорлар» китобидан иқтибос келтираемиз:

- У Аллоҳ таолонинг муҳаббатини касб қилдиради.

- Зикр Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилдиради. Банда қанча кўп зикр қилса, Аллоҳ таолога шунча яқин бўлади.

- Зикр зокирга ўзини кузатиб боришни ўргатади. Бу билан у эҳсон эшигидан киради ва Аллоҳга У Зотни кўриб тургандек ибодат қилади.

- У хатоларни ювади.

- Зикр бандани Аллоҳ таолонинг азобидан қутқаради.

- Зикр туфайли сакийнат ва раҳмат нозил бўлади.

- У бандани қиёмат кунининг ҳасратидан эмин қилади.

- Зикр энг осон, афзал ва улуг ибодатдир.

- Зикр жаннатнинг экинидир.

- Зикр учун ваъда қилинган ато ва фазллар бошқа амалларга ваъда қилинмаган.

- Зикр зокир учун бу дунёда ва қабрда нурдир.

- У қалбни ғафлат уйқусидан ва мудроғидан уйғо-

тади.

- Зокир ўзи зикр қилган Зотга яқин бўлади. Бу яқинлик муҳаббат, нусрат, тавфиқ ва дўстлик ила бўлади.

- У шукрнинг бошидир. Ким Аллоҳни зикр қилмаса, У Зотга шукр қилмаган бўлади.

- Қалбда бир қасоват бўлса, уни Аллоҳ таолонинг зикридан бошқа нарса кетказа олмайди.

- Зикр неъматларни жалб қилади ва бало-офатларни даф қилади.

- Бардавом зикр қилувчи жаннатга кулган ҳолида киради.

- Аллоҳ таолони зикр қилиш У Зотнинг ибодатини қилишда энг катта ёрдамдир.

- Жаннат ҳовлилари зикр ила бино қилинади. Зокир зикрдан тўхтаса, фаришталар ҳам ҳовлини бино қилишдан тўхтайдилар.

- Фаришталар зокир учун истиғфор айтадилар.

- Тоғу тошлар Аллоҳ таолони зикр қилувчилар билан фахрланадилар.

- Йўлда, уйда, ҳазарда ва сафарда зикрни бардавом қилиш банданинг қиёмат кундаги гувоҳлари кўпайишига сабаб бўлади.

- Зикрни бардавом қилиш нафл амаллар ўрнига ўтади.

- Банда кенгчилик вақтида Аллоҳни зикр қилса, Аллоҳ уни торчилик вақтида зикр қилади.

- Зикр қалбнинг шифоси ва давосидир.

Одинахон Муҳаммад Содиқ



УММУ АЙМАН

РОЗИЯЛЛОХУ АНХО

Умму Айман розияллоху анҳо асли ҳабашистонлик бўлиб, отабоболаридан буён қул ва чўри авлоддан эди. Шунинг учун кўпроқ уни Умму Айман Ҳабашия ҳам дейилади. Тақдирнинг тақозоси билан қоп-қора рангли, пучуқ бурун чўри қиз Барака Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оналари Омина онамизнинг чўриларига айланиб қолган эди.

Умму Айман розияллоху анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам янги туғилганларидан бошлаб ходима сифатида у зотнинг оналарига бола боқишда ёрдамчи бўлган. Қисқароқ қилиб айтсак, Умму Айман розияллоху анҳо Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васал-

ламнинг энагалари бўлган.

Умму Айман розияллоху анҳо тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан биринчи марта ёзилиши Мадинадан Маккага қайтиш йўлида бўлди. Ўшанда қариндошларини кўргани борган Умму Айманнинг хожаси Омина бинти Ваҳб йўлда вафот этиб қолдилар. Фурбатда онадан ажраб қолган болани Умму Айман Ҳабашия Маккага олиб келиб, бобоси Абдулмуттолибга топширди.

Мана шу вақтдан бошлаб, Умму Айман розияллоху анҳо ўзлари энагаси бўлган боланинг чўрисига айланди. Ўша вақтнинг таомилига кўра, у вафот этган хожасидан у кишининг ўғилларига мерос тариқасида мулк бўлиб ўтган эди.

МАККАДА

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадийжа бинти Хувайлид розияллоху анҳога уйланиб, у кишининг хонадонларига кўчиб ўтганларида Умму Айманни ҳам бирга олиб келган эдилар.

Ўша пайтда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Айман розияллоху анҳони озод қилдилар. Шундан кейин Умму Айман розияллоху анҳони у зотнинг мавлотлари – озод қилган чўрилари деб аталадиган бўлди. Ўша пайтда Умму Айман розияллоху анҳо Убайд ибн Зайдга турмушга чиқиб, ундан ўғил фарзанд кўрди. Ўғилга Айман деган исм бе-

ришди. Шунинг учун унинг онаси Умму Айман деган куняни олди ва кейинчалик у аёлнинг куняси исмидан машхур бўлиб кетди.

Умму Айман Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга биринчи бўлиб иймон келтирган саодатманд кишилардандир.

Имом Бухорий Аммор розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни у зот билан бешта қул, икки аёл ва Абу Бакргина борлигида кўрдим».

Бу ҳолат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дастлаб пайғамбар бўлганларидаги ҳолат эди. У зотга биринчи бўлиб иймон келтирганлар шулардан иборат эди.

Бешта қул: Билол ибн Рабоҳ, Зайд ибн Ҳориса, Омир ибн Фухайра, Абу Фукайҳа (Сафвон ибн Умайянинг қули) ва Убайд ибн Зайд Ҳабаший эди.

Икки аёл: Ҳадийжа онамиз ва Умму Айман розияллоҳу анҳо эди.

Кейинроқ Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аввалги эридан ажраган Умму Айман розияллоҳу анҳони ўзларининг озод қилган қуллари Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳуга никоҳлаб қўйдилар. Уламоларимиз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, ким аҳли жаннат аёлга уйланаман деса, Умму Айманга уйлансин, деганларини келтиришадилар.

Кутилмаганда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васал-

ламга хушхабар келиб қолди:

«Умму Айман ўғил кўрибди!»

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга энагалик қилган ҳабашистонлик Барака ал-Ҳабашийя ўғил кўрибди!

Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳунинг хотини Умму Айман ўғил кўрибди!

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам энагалари Умму Айманни жуда яхши кўрар ва ҳурмат қилар эдилар. Тез-тез у кишини тақдирлаб:

«У онамдан кейинги онам. Аҳли байтимнинг қолгани», дер эдилар.

Янги меҳмон отасидан кўра кўпроқ онасига ўхшар эди. Ранги қоп-қора. Бурни пучуқ. Унга Усома деб исм беришди.

МАДИНАДА

Умму Айман розияллоҳу анҳо Мадинаи Мунавварада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотнинг оилаларига аввалгидан ҳам яқин бўлди ва аввалгидан ҳам кўпроқ ихлос билан хизмат қилди. Аёл кишиларга хос ҳар бир хизматда деярли Умму Айман розияллоҳу анҳонинг иштироклари ва қўллари бўлар эди.

Ибн Асокир Оиша розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қизлари Умму Кулсумни турмушга чиқарганларида Умму Айманга: «Қизим Умму Кулсумни

тайёрла, уни Усмонниқига тушириб олиб бор, унинг олдида дуфф чалиб бор», дедилар.

У айтилганларни бажо келтирди».

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундоқ ишончларига Умму Айман розияллоҳу анҳудан бошқа ҳеч ким сазовор бўла олмас эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг севиқли қизларини келин қилиб тушириб боришга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг севиқли энагалари Умму Айман розияллоҳу анҳудан бўлак ҳеч ким ҳам бош-қош бўлолмасди.

Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳининг таъкидлашлари, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг катта қизлари Зайнаб розияллоҳу анҳо вафот этганида уни Умму Айман розияллоҳу анҳо билан бирга Савда бинти Замъа ва Умму Салама оналаримиз ювишган.

Ҳа, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг севиқли қизларининг жасадини у зотнинг севиқли энагаси Умму Айман ювмасалар, ким ҳам ювар эдилар?!?

Ҳа, Умму Айман розияллоҳу анҳо Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўйларида ҳам, азаларида ҳам ҳозир но зир эдилар. Шунингдек, Умму Айман розияллоҳу анҳо Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳазарларида ҳам, сафарларида ҳам ҳозир нозир эди. У кишини Набий соллаллоҳу

алайҳи васалламнинг деярли барча сафарларида бирга бўлганлар десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Умму Айман розияллоҳу анҳо Уҳуд жангида бўлган. У киши жангда Умму Сулайм розияллоҳу анҳо ва бошқа аёллар билан биргаликда мусулмон лашкарларни сув билан таъминлаб туришган. Умму Айман розияллоҳу анҳо ярадор аскарларга ёрдам кўрсатишда ҳам жонбозлик кўрсатишган. Ўша куни Ислом лашкари билан бирга ўн тўрт нафар аёллар ҳам бор эди. Улар ичида Фотима, Умму Айман, Ҳамна бинти Жаҳш розияллоҳу анҳолар ҳам бор эди.

Умму Айман розияллоҳу анҳо Хайбар жангида ҳам иштирок этган. Хайбардаги ўлжа бўлишда деярли ҳар бир муҳожир мусулмонга маълум адад хурмо тегди. Мусулмонлар Хайбардан қайтиб келишлари билан муҳожирлар ўз ансорий биродарларига хурмоларини қайтариб беришди. Чунки энди улар ҳам хурмога эга бўлишган эди.

Умму Айман розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Макка фатҳида ва Ҳунайн жангида ҳам бирга бўлдилар. Айниқса, Ҳунайнда қаҳрамонлар рўйхатидан жой олди. Ўша куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хачирларини душманнинг рўбарасига қараб солар эдилар. Хачирнинг юганини ўнг томондан Аббос, чап томондан Абу Суфён ибн Ҳорис тутиб тортишар, унинг юришини секинлатишар

эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, одамларни қайтаришга уриниб:

«Мен томонга, эй Аллоҳнинг бандалари, мен томонга! Мен Аллоҳнинг Расулиман! Менинг пайғамбарлигим ёлғон эмас! Мен Абдулмуттолибнинг фарзандиман!» деб қичқирар эдилар.

У зот билан саҳобалардан юз кишича собит турдилар. Уларнинг ичида Абу Бакр, Умар, Али, Аббос, Фазл ибн Аббос, Абу Суфён ибн Ҳорис, Айман ибн Умму Айман, Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳум бор эди.

Умму Айман розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эрка бўлганлари учун баъзи бир катта саҳобийлар ҳам юрак ютиб, у зотга айта олмаган гапларни у киши бемалол айтаверар эди.

Тарихчиларимиз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рафиқи аълога рихлат қилишларидан олдинги ҳодисалар ҳақида сўз юритишар экан, жумладан, қуйидагиларни ҳам айтишади:

«Усома билан бирга чиқишлари лозим бўлган мусулмонлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан хайрлашгани келишди. Уларнинг ичида Умар ибн Хаттоб ҳам бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлсалар:

«Усоманинг юришини амалга оширинглар!» дердилар.

Умму Айман кириб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Усомани тузалиб олгунингизча аскаргоҳда туришига

қўйиб берсангиз бўлар эди. Усома шу ҳолатда чиқадиغان бўлса, кўнгли нотинч кетади», деди».

«Усома Журфда уловига минмоқчи бўлиб турганда Умму Айманнинг хабарчиси келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафот этадиган бўлиб қолганини айтди».

Умму Айман розияллоҳу анҳо Аллоҳ таолога етишган зотлардан эдилар. У кишининг кароматлари ҳақида «Тобақот» ва «Исоба» китобларида Усмон ибн Қосимдан қуйидаги ривоятни келтиришади:

«Умму Айман ҳижрат қилганида Мунсарифдан ўтиб Равҳога етай деб қолганда роса чанқади. Унинг суви йўқ эди. Ўзи рўза тутиб олган эди. Чанқоқ уни роса қийнади. Шунда унга осмондан челақда сув тушди. У уни олиб тўйгунича ичди. У доимо:

«Ўшандан кейин ҳеч қачон чанқамадим. Иссиқ кунларда рўза тутиб кўпгина чанқоққа ориз бўлдим. Аммо ўша ичганимдан кейин зинҳор чанқамадим. Қаттиқ иссиқ кунлари рўза тутардим, аммо чанқамас эдим», дер эди».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Айман розияллоҳу анҳони жуда ҳам яхши кўрар ва гоҳида ҳазил-мутойиба ҳам қилар эдилар.

Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳи «Тобақот»ида Муҳаммад ибн Қайсдан қуйидаги ривоятни келтиради:

«Умму Айман Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Менга мингани нарса беринг», деди.

«Сени туянинг боласига миндираман», дедилар у зот.

«Эй Аллоҳнинг Расули, у мени кўтара олмайди. Мен уни хоҳламайман», деди у.

«Йўқ! Бўлмайди! Мен сени барибир туянинг боласига миндираман», дедилар у зот.

У зот унга ҳазил қилар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазил қилар эканлар, ҳақдан бошқани айтмас эдилар: ҳамма туя ҳам туянинг боласи бўлади-да».

Умму Айман розияллоҳу анҳонинг тиллари бир оз чучукроқ эди. У киши баъзи ҳарф ва сўзларни аниқ айта олмасдилар. Умму Айман розияллоҳу анҳо салом беришда «салом лаа алайкум» дер эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига «ас-Салом» дейишга изн берган эдилар.

Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳи Абул Ҳувайрисдан ривоят қилишларича, Умму Айман розияллоҳу анҳо Ҳунайнда ҳамма қочишга турганда «сабаталлоҳу ақдамакум» деб қайта-қайта айта бошлаган. Бунда у киши «се» ҳарфини айта олмай «син» шаклида нутқ қилган. Унда маъно «Аллоҳ қадамларингизни собит қилсин» ўрнига «Аллоҳ қадамларингизни роҳат қилсин»га алмашиб қолади.

Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Айман розияллоҳу анҳога:

«Жим тур, эй Умму Айман! Сенинг тилинг чучук», деганлар.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Айманнинг олдига юриб кетдилар. Мен ҳам у зот билан бирга эдим. Бас, ул у зотга идишда шароб тутди. Билмадим, рўзадор бўлганлари учунми ёки хоҳламасданми, (уни) олмадилар. Шунда у овозини баланд қилиб у зотга қаттиқ гапира бошлади» (Муслим ривоят қилган).

Албатта, бу ҳолат Умму Айман розияллоҳу анҳонинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида алоҳида эрка эканидан бўлган. Саҳобалардан ҳеч бирлари бу мақомга эриша олишмаган.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин Абу Бакр розияллоҳу анҳу Умарга: «Юр, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зиёрат қилганларидек, Умму Айманни зиёрат қилиб келамиз», деди.

Биз унинг олдига етиб борганимизда у йиғлади. Иккови унга: «Нимага йиғлайсан? Ахир Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса у зотнинг Расули учун яхши-ку?!» дедилар.

«Мен буни билмаганим учун йиғлаётганим йўқ. Мен осмондан келаётган ваҳий узилиб қолгани учун йиғламоқдаман», деди у.

Умму Айман икковини ҳаяжонлантириб йиғлатиб

юборди. Иккови ҳам унга қўшилиб йиғлай бошлади» (Муслим ривоят қилган).

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу вафот этганида Умму Айман розияллоҳу анҳо қаттиқ йиғлади ва: «Бугун Ислом заиф бўлди», деди.

Умму Айман розияллоҳу анҳонинг ўзлари ҳам Умар розияллоҳу анҳудан йигирма кун кейин вафот этди.

Умму Айман розияллоҳу анҳонинг ҳурматлари ўзларидан кейин у кишининг зурриётларига ҳам мерос бўлиб келмоқда.

Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳи Ҳармаладан қуйидагиларни ривоят қилади:

«Абдуллоҳ ибн Умар билан ўтирган эдим. Ҳажжож ибн Айман кириб намоз ўқиди. У намознинг рукуъ ва сужудларини тўлиқ қилмади. Ибн Умар уни салом берганидан кейин чақириб: «Эй биродар, сен намоз ўқидим деб ҳисоблайсанми? Сен намоз ўқиганинг йўқ. Намозингни қайтадан ўқи», деди.

Ҳажжож ортига қайтиб кетганидан кейин Абдуллоҳ ибн Умар менга:

«Бу ким?» деди.

«Умму Айманнинг ўғли, Айманнинг Ҳажжож деган боласи», дедим.

«Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тирик бўлганларида бунга муҳаббат қўйган бўлар эдилар», деди Ибн Умар ва у зотнинг Умму Айманнинг болаларига бўлган муҳаббатларини зикр қилди».

Аллоҳ таоло Умму Айман розияллоҳу анҳодан рози бўлсин!

Уйланиш ёшидаги бир йигитга отонаси кўз остиларга олиб кўйган қиз ҳақида айтдилар. Қиз йигитга маъқул келди ва совчилик ишлари бошланди. Бир куни қиз бўлажак жуфтани олдига қўлида қоғоз билан йиғлаб кириб келди. Унга кеча бир бегона йигит келиб, никоҳ шартномаси бериб кетибди. Шартномада ўша йигит ва қизнинг имзоси бор экан. Йигит қизга шартноманинг нусхасини бериб, қолганларга бу ҳақда айтмаслик учун катта миқдорда пул талаб қилибди. Йигит қизнинг ҳужжатлари ва имзосини қаердан олганини қиз билолмабди.


Куёв бўлажак келиннинг сўзларини бирор сўз демай эшитиб турибди-да, узатилган қоғозни олиб кетибди. Эртаси куни куёв йигитга сўраган пулини бериб, ундан никоҳ шартномасини олди. Аллоҳ таоло Қуръони каримда мана бундай деган:

“Ким хато ёки гуноҳ қилса-ю, сўнгра уни беайбга ағдарса, шубҳасиз, бўҳтон ва очиқ гуноҳни ўз бўйнига олибдир” (Нисо сураси, 112-оят).

Куёв келиб келинга никоҳ шартномасини берди ва Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги маънодаги ҳадисларини айтди:

“Ким мусулмоннинг айбини яширса, Аллоҳ таоло унинг айбини бу дунё ва охиратда яширади”.

Сўзини охирида бу мавзунини оила аъзолари олдида



гапирмасликка ва келинчак билан қайтадан никоҳ шартномаси қилиб, ота-онасининг кўзи учун унга уйланишга ва б ой худди ака-сингилдек яшаб, кейин талоғини беришга қарор қилганини айтди. Келин у йигитни аввал ҳеч ҳам кўрмаганини айтиб йиғлади. Лекин куёв қарорини ўзгартирмади. Куёв ва келиндан бошқа ҳаммани хурсанд қилиб, тўй ҳам ўтди.

Тўйдан кейин келин ҳар кечанинг учинчи қисмида бедор бўлиб Роббисидан ўзининг поклигини исботлашини ва жуфтидан ажратмаслигини сўраб дуо қилибди. Орадан б ой ҳам ўтиб, талоқ қилиш вақти ҳам етди.

“Роббингиз: «Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман. Албатта, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар жаҳаннамга хору зор ҳолларида кирурлар», деди” (Фофир сураси, 60-оят).

Айтилган муддат келди. Ке-

лин кўз ёшлар билан куёвнинг сўнги сўзини эшитиш учун ёнига борди. Шунда куёв унга:

– Азиз жуфти ҳалолим, ушбу б ой вақт давомида сизда бирор иллатли ишни кўрмадим. Отанамга, яқинларимга ва менга жуда яхши муносабатда бўлдингиз. Улар олдида келинлик вазифаларингизни аъло даражада адо этдингиз. Сизнда орзу қилинадиган рафиқанинг сифатларини кўрдим. Никоҳ шартномаси воқеасининг асли яқиндагина аён бўлди. Сизни олдингизга пул сўраб келган йигит дугонангизни қариндоши

экан. Дугонангиздан битирув имтиҳонидаги имзолар ва суратларни олиб сохта никоҳ шартномаси тайёрлаб, пул ундиришни касб қилган экан. Бир неча кун аввал уни тегишли идора вакиллари қўлга туширишибди ва менга бу ҳақда маълум қилишди, – деди.


Жуфтанинг сўзларини эшитган келин бегуноҳлиги исботланиб, дуоси қабул бўлгани учун Алоҳ таолога ҳамдлар айтди. Ахир Аллоҳ таоло ўзининг каломиди мана шундай деган:

“Эркагу аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса, Биз унга яхши ҳаёт кечиртирумиз ва, албатта, уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз” (Наҳл сураси, 97-оят).

Араб тилидан
Адолат Ҳусанова
таржимаси

“АС-СИҲОҲ АС-СИТТА” ДА АЁЛЛАРДАН ҚИЛИНГАН РИВОЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Ҳадисларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга уринган олимлар ўз даврида ва ҳозирги кунда ҳам инсонлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган мавзуларни ёритиб беришга, улар бўйича асарлар яратишга жиддий эътибор қаратишган. Бу борада бизгача муснад, жомеъ, сунан ва бошқа турдаги ҳадис адабиётлари етиб келган. Шулар қаторида ҳадислар борасида саҳиҳ деб тан олинган олти ишончли тўплам ҳам ўз ўрнига эга. Шунинг учун уларни тадқиқ қилишга, бошқа тўпламлар орасидаги мавқеини кўрсатишга, суннатни тадвин қилишга шу тўплам эгалари, уларга замондош бўлганлар орасида юқори даражада ҳаракат қилинган. Аёлларнинг ҳадис ривоятлари худди эркактарники каби ўз даври ва бугунги кун учун долзарб аҳамият касб этади.



Ҳадис илми ривожидан аёлларнинг ўрнини белгилаш айна вақтда ҳадис илмига оид ишончли тўпламларда уларнинг фаолияти қандай бўлганини билишга ҳам қизиқишни уйғотади. “Ас-Сиҳоҳ ас-ситта” (“Олтита саҳиҳ”) асарларида аёлларнинг ўрнини кўрсатиш мақсадида олимлар аёл ровийлар ва улардан қилинган ривоятлар сонини алоҳида ўрганганлар.

Биринчидан, олти ишончли тўпламда аёл ровийларнинг сони. Бу йўналишда саҳобиялар ва улардан бошқа аёлларнинг ривоятига алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг сони Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бево-сита ўзларидан ривоят қилганлари, бир саҳобийдан ривоят қилганлари жиҳати-

дан белгиланган. Бунда 115 та саҳобия аёлдан ривоят келтирилганлиги манбаларда қайд этилади. Уларга қўшимча тарзда 5 та саҳобия аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатларида бўлганлиги ихтилоф қилинган ҳолатда киритилган. Улар: Асмо бинт Зайд ибн Хаттоб, Асмо бинт Саид ибн Зайд ибн Нақил, Софийя бинт Ҳорис ибн Талҳа, Оиша бинт Масъуд ибн Асвад, Зайнаб бинт Набийтлар. Айна вақтда улар ривоятининг исноди тўғридан-тўғри Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эмас.

Олимлар олти ишончли тўпламда ҳадис ривоятлари киритилган саҳобий аёлларнинг ададини ҳам ҳисоблаб чиққанлар. Жумладан:

- Имом Бухорий "Саҳиҳ"ида 31 та;
- Имом Муслим "Саҳиҳ"ида 36 та;
- Абу Довуд "Сунан"ида 75 та;
- Имом Термизий "Сунан"ида 46 та;
- Имом Насоий "Сунан"ида 65 та;
- Имом Ибн Можа "Сунан"ида 60 нафар саҳобиядан ҳадис ривоятини келтирганлар .

Этиборли жиҳати шундаки, усул олимлари орасида саҳобиялар сони ўртасида тавофут бўлса-да, аксар бу фикрлар заиф ҳолатдадир. "Сунан"лар орасида Имом Абу Довудникида энг кўп аёл саҳобиянинг ривояти келтирилган.

Саҳобия бўлмаган аёлларнинг ривояти ҳам "ас-Сихоҳ ас-ситта"да мавжуд. Тобеинлар, табаа тобеинлар ва улардан кейинги табақада турувчи умумий ҳисобда 103 та аёл ровийдан ривоят келтирилади.

Иккинчидан, олти ишончли тўпلامда ривоятлар сони. Имом Миззийнинг "Тухфат ал-ашроф би маърифа ал-атроф" ва "Таҳзиб ал-камол фи

маърифа ар-рижол" асарларига, шунингдек, Ибн Ҳажарнинг "ат-Тақриб" асарларига таяниб, ривоятлар сони қуйидагича белгиланган: "Олти ишончли тўпلامда аёллардан 2764 та ҳадис ривоят қилинган. Жумладан:

- 2539 та ҳадиснинг ровийлари аёл саҳобиялар;
- 225 та ҳадиснинг ровийлари саҳобиялардан бошқа турли табақадаги аёллардир.

Саҳобиялардан келтирилган ҳадисларнинг аксарият қисми Пайғамбар алайҳиссаломнинг аёли, "мўминларнинг онаси" мақомига эришган Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган. Олти ишончли

тўпلامда 2081 та ҳадис Оиша розияллоҳуға тегишли. Қолган 458 тасини бошқа саҳобия аёллар ривояти ташкил қилади. Маълум бўладики, Оиша розияллоҳу анҳо нафақат аёллар, балки кўпгина эркаклардан ҳам ортиқ ҳадис ривоят қилган, илм ва ҳифзда "асрининг ягона"си бўлган дейиш мақсадга мувофиқ. Ундан келтирилган ҳадислар сонининг кўплиги шундан далолат беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳадис илмига оид турли асарларда аёллар фаолияти ёритилгани каби "ас-Сихоҳ ас-ситта"да келтирилган ҳадислар орқали ҳам ҳадис илми ривояти муҳаддис аёлларнинг ўрни қай даражада бўлганлигини кўришимиз мумкин. Аёллар борасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар "ас-Сихоҳ ас-ситта" доирасида чекланган ҳолатда берилган бўлса ҳам, бу уларнинг ҳадис илмидаги ўрнини белгилашда чекловларни қўймайди.

Соҳиба Юсуфхожиева,
тадқиқотчи

Биз ибодат учун яратилганмиз

Ҳикоя қилинишича, Бани Исроилдан бир киши Аллоҳ таолога етмиш йил ибодат қилган экан. Шунда Аллоҳ таоло уни фаришталарга намоён қилишни ирода қилибди. Аллоҳ таоло унинг олдида бир фариштани юбориб, қилган бу ибодатлари билан жаннатга киришга лойиқ эмаслигини айтишни буюрибди. Фаришта омонатни етказган экан, банда: «Биз ибодат учун яратилганмиз. Биз ибодат қилишимиз лозим», дебди. Фаришта қайтгач, Аллоҳ таоло: «Бандам нима деди?» деб сўрабди. Фаришта: «Аллоҳим, банданг нима деганини Ўзинг билувчиросан!» дебди. Шунда Аллоҳ таоло: «У Бизга ибодат қилишдан юз ўгирмабдими, унда Биз ҳам фазлу карамимиз ила ундан юз ўгирмаймиз. Гувоҳ бўлинг, эй фаришталарим, Мен уни мағфират қилдим», дебди.

"Эй фарзанд" китобидан олинди.

МАЪНАВИЯТИМИЗ ПОСБОНЛАРИ



Аср пайти. Деразадан кўчага қараб турган эдим. Шўхчан кулиб, баланд овозда гаплашиб келаётган учта бўй қиз ўтиб қолди. Енгил-боши ҳам бошқача, қўлида писта. Биттасида кока кола бор. То қўлидаги пистаси ва гаплари тугагунча, бемақсад шу ҳолда юриб турдилар. Ҳаммаси 14-15 яшар ўсмир қизлар, юзига гўзаллик нуқси пайдо бўла бошлаган. Бўйлари чўзилиб, ҳадемай бир ўзга уй остонасини хатлаш арафа-

сидалар. Буларнинг бекорчи бўлиб юришига қараб, ҳайрон бўласан киши.

Қани бир жонкуяр аёл бўлсаю, буларни тўплаб, тарбия берса, турмушга тайёрласа, одоб-ахлоқ, таълими билан шуғулланса... Шундай фидоий аёллар бормикин?

Қадриятларимиз, динимиз, диний муқаддасотларимиз бузилмаган, оддий аёл-қизлар илмий анжумани қатағонга учрамаган даврларда аёллар томонидан бўй қизлар бир қа-

нот остига бирлаштирилар эди. Биргаликда китоблар ўқир, шеъриятга ошно бўлар, илм таҳсил қилар эди. Уларга отинойилар мутасадди-мураббий эдилар. Ўзлари ўрнак бўлиб, Қуръон ва ҳадис ўқишар, назокат ва зарофатни ўзлаштиришар, шеърият, адабиёт ўрганишар эди.

Бугунчи? Қизлар кўчада. Оналар телевизор, телефон исканжасида... Бугун ҳам қадим анъаналаримизни тикласак қандай бўларкин?

Шу қизларни бир отин қўл остига бирлаштирилса, вақти тақсимланиб, унумли, керакли ишлар билан машғул бўлса, оила, турмуш одобларини ўрганса бунинг нимаси ёмон? Отин ойининг назорати, таълим-тарбияси остида бўлса, ҳар ҳолда, кўчаларда бемақсад юришлар ҳам, назоратсиз қизлар билан рўй бераётган кўнгилсизликлар ҳам сезиларли камайиб кетган бўлармиди...

Уюшмаган қизлар бир солиҳа, шарафли хоним қанотига йиғилиб, уюшиб, арзирли илмий марраларга етармиди...

Хўш, отин ойи ким?

Тарихдан "отинойи" атамаси Ўзбекистон ҳудудларида турли жойларда турлича номланиб келинган. Хусусан, Андижонда,

«отинойи», «отинча», Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззахда «биби мулла», «биби отин», «отин биби», Самарқанд ва унинг атрофларида «биби халфа» каби турли номлар билан юритилган. Фарғона водийси аҳолиси орасида «отинойи» деганда асосан аёллар орасида диний маросим ўтказувчи ва уларга таълим-тарбия ҳамда тўғри ҳаётий маслаҳат берувчи аёл тушунилган. Муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда, отинойилар асрлар оша сақланиб келган устоз-шогирд аънасига кўра фаолият юргизиб келганлар. Отинойилар фаолиятининг бугунгача ўз аҳамиятини йўқотмаганлигининг сабаби унинг тарбия мактаби сифатида маҳаллий аёллар томонидан тан олиншида бўлиб келгани билан белгиланади.

Ислом динига оид энциклопедик луғатда «Отин, отинойи – Ўрта Осиёдаги диний мактаб қизлар ўқитувчиси. Отинлар аёллар ўртасидаги диний маросимларни ўтказишда бошчилик қилиб, уларга диний таълим бериш билан ҳам шуғулланган» деб қайд этилади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида «ОТИН» сўзи 1) мактабхонада қизлар ўқитувчиси; дин ва шариат билимдони. Кўпинча аёллар ўртасида диний маросимлар (мавлуд) га бошчилик қилади; 2)

аёлларни ҳурматлаб, улар исмига қўшиб айтиладиган сўз маъноларини ифodalаниши ёзилган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «отин», «отин биби», «отинча» сўзлари қуйидагича шарҳланади:

«Отин. Эски мактабларда қизлар ўқитувчиси; дин ва шариат билимдони. Ҳар кун қўшнимиз отин бибида қиёмгача ўқиб, кейин то кечгача, кўпинча кечалари ҳам, аямнинг ёнига кириб, тикиш тикдим». (*Ойбек, Танланган асарлар*).

Отин қизлар ўқитувчиси, дин ва шариат билимдони ҳамда аёллар ўртасидаги диний маросимларга бошчилик қиладиган, халқ орасида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган кайвони аёл. Шунингдек, «отин» сўзи маърифатпарвар аёлларни ҳурматлаб, исмига қўшиб айтилган.

Илгари ажодларимиз хотин-қизлар қалбига аёл кишининг суҳбати чуқурроқ сингиб боришини яхши англаганлари учун отинойилар фаолиятдан унумли фойдаланишган. Маҳалла ёки қишлоқлардаги таълим-тарбия ишларига жалб этишган. Айтиқса, диний маърифатни ёйиш, қизларга Қуръон ва шариатни ўргатиш одоб-ахлоқ, назокат ва нафосатдан таълим бериш, уларни турмушга тайёрлаш ва уларнинг руҳиятини бекаликка мослашда отинойиларнинг вазифаси катта бўлган. Улар ўз уйларида қизларга таълим

берганлар. Отинойилар фақат билим тарқатувчигина эмас, балки ёшлар тарбияси учун масъул, одоб-ахлоқда эса ҳаммага ўрнак бўлишган. Шунингдек, Қуръони карим қироати, унинг тафсири, пайғамбарлар тарихи, халқ оғзаки ижодини яхши билишган.

XX аср давомида отинойиларнинг фаолиятида ҳам қатор ўзгаришлар рўй берди. Мазкур ўзгаришларнинг сабаби Собиқ шўролар даврида диннинг қонундан ташқарида ҳисобланганидандир. Бироқ, отинойилик фаолияти тўхтаб қолмади, аксинча жамоат жойларидан шахсий хонадонларга кўчирилди. Энди, отинойилар гуруҳ бўлиб эмас, балки якка ҳолда фаолият юрита бошлаган. Натижада, кўпгина оилалар ўзларининг «хонадон» ўқитувчиларига эга бўлишган. Собиқ иттифоқ даврида олиб борилган атеистик сиёсат отинойилар фаолияти кўламининг қисқаришига сабаб бўлди.

Тадқиқотчи Марианна Камннинг ёзишича, отинойининг фаолияти ўта муҳим бўлиб, мусулмон аёллари диний мартабалари тизимида энг юқори поғонани эгаллаб келган.

Шунга эътиборни қаратмоқ лозимки, отин аёллар фақат исломий билим тарқатувчи эмас, ўз шогирдлари ахлоқи учун жавобгар ҳам бўлган, покдомонлик ва камолотда эса ҳамма учун ўрнак бўлиш-

ган. Улар Қуръони карим қироати, тажвиди, қоидалари билангина ўқиб қолмасдан, уни тафсири билан ўрганишган ва унга амал қилишга ҳам ўргатишган. Улар, пайғамбарлар қиссаларини халқ оғзаки ижодини яхши билган ҳассос воиз ва нотик ҳам бўлганлар. Тарихимизда Жаҳон Отин Увайсий, Анбар отин каби машҳур фозила аёллар яшаб, ўз даврининг маърифат зиёси таралишига ҳисса қўшганлар.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек аёлларининг шеърият, шариат ва ахлоқини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган отинойилардан, токи собиқ тузумнинг куракда турмас қоидалари жорий бўлмагунига қадар бирор ҳужжат талаб қилинмаган, бу эзгу ишлари учун ҳеч қачон жазоланишмаган. Уларнинг чуқур билими, намунали хулқи ва турмуш тарзининг ўзи қизларга устозлик қилишга етарли асос бўлган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, отинойиларнинг фаолияти ниҳоятда халқчил, шаффоф ва пок-ҳалоллиги билан ҳам аҳамиятли бўлиб келган.

Совет ҳокимияти бошқарувни қўлга олгандан кейин, барча диндор шахслар қатори, отин ойиларни ҳам қаттиқ сиқув ва таъқиб остига ола бошлади. Бутун бошли мамлакат раҳбарлари ўзбекнинг ўзбегойимлари, асл қизлари бўлган мунис

аёллар билан курашишдан уялмай, уларни исканжага олишди. Отинойиларнинг қўшнилари ёки шогирдлари орасига “қулоқ”лар киритилиб, уларнинг фаолиятдан хабардор бўлиб туришди. Жойи келса, муштипар, халқ ғамида, халқ фарзандларининг саводхон бўлиши, одоб-ахлоқи чиройли бўлиши учун ўз тинчи, ҳузур-ҳаловатидан кечган, кечани кеча, кундузни кундуз демай фидокорлик кўрсатаётган бу бағрикенг аёлларни маҳкамаларга судраб, қийин-қистовли терговларга маҳкум қилишдек пасткашликкача боришди.

Шуниси ажабланарлики, ўз миллати қизлари келажакка бефарқ бўлмаган, Ватанини севган бу аёллар шунчалик тангликка қарамай, яна ўз ишларини давом эттиришар, мавриди бўлди дегунча, маҳалла қизларининг саводини чиқаришар эди. Етмиш йиллик мустабид, динсиз тузум даврида ўзбекнинг ўзлигини сақлаб қолишида отинойиларнинг фидокорона ва холис хизматлари катта ўрин тутганини эътироф этиш бурчимиздир. Ҳа, уларнинг беминнат таълим-тарбиялари сабабли халқ ўзини унутмади, совет тузуми ҳукм сурган айрим ўлкаларда бўлганидек, аҳоли тамомийла руслашиб, ўзлигини унутиб юбормади. Юртимиз мустақиллигининг таг заминидан ҳам ана ўша отинойиларимиз ва улар-

га елкадош бўлган домла буваларимизнинг хизматлари беқиёс. Улар миллий-диний қадриятларимизни, бир сўз билан айтганда, ўзлимизни ҳар қандай қийинчилик, душманликлар қуршовида ҳам қўлдан бермай, жону моллари эвазига асраб-авайлаб кейинги авлодга етказдилар ва ўша тушунчаларни халқнинг қалбига, хусусан, зиёлиларимиз онгига синдира билдилар. Қизил империядан мансаб-орден тамаъ қилмай, халқ дардини куйлаган шоиру ёзувчиларимизнинг ҳаёти бунга ёрқин мисолдир. Тақдирнинг ишини қарангки, бугун халқ ўша зиллол булоқларимиздан сув ичган, иймониға садоқат қилган ёзувчи ва шоирларнинг асарларини севиб ўқийди, аммо уларга қарши бўлган, душманга лаганбардорлик қилган кимсаларни биров эсламайди ҳам. Ҳа, ҳар ким қилмишига яраша жазо олади ва бу одатда кутмаган тарафидан келади.

Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бунга ҳаётий мисол келтираман.

Қишлоғимизнинг бугунги кунда шеърият, эски туркий алифбо ва Қуръони каримдан саводи бўлган барча аёллари дуо ва яхшиликлар билан эслайдиган Нисо муллобиби исмли отин ойиси бўлган. У киши маърифатли, камтар-камсуқум ва ўз даврининг саводхон аёлларидан бўлиб, ўқиш билан бирга

ёш қизларга кашта тикиш, уй-рўзғор тутиш, муомала маданиятини ҳам ўргатувчи бўлганлар. Меҳнатлари эвазига ҳеч нарса тамаъ қилмайдиган, ота-оналар кўнгилларидан чиқариб берган иккита нонми, бирор сават мева ёки шу каби нарсаларни ҳам сидқидилдан қабул қилиб, қизларга таълим берганлар. Қишлоқ аҳли у кишини гўё бошида кўтарар, уларининг тўрини бўшатиб берар эди.

Ана шу отинийнинг “қилмишлари”, “фаолияти”дан хабардор бўлиб туриш учун қишлоқ муаллимаси – ўз даврининг энг бадавлат ва олифта аёлларидан бўлган аёлни масъул қилиб қўядилар. Сопини ўзидан чиқаришга уста советлар отинийни ўз қўшнисининг қўли ва тили ёрдамида тутишга уринишар эди. Бу аёлнинг “холис хизмат”лари эвазига Муллобиби тез-тез ҳукумат вакиллариغا ҳисобот беришга, уларнинг идораларида музтар-ҳайрон қолиб кетишга маҳкум эдилар. Муаллима ёши улуғ онахонни чақишдан, масъуллар эса чақириб тергов қилишдан чарчамас эди... Аммо бу ишларнинг бирортаси ҳам онахонни таълим беришдан тўса олмас эди.

Вақти қазо етиб, отинийи вафот эдилар, қишлоқ аҳли тобутни бошлари узра кўтариб, чуқур эҳтиром билан дафн этиш-

ди. Орадан шунча йиллар ўтса-да, эҳтиром, муҳаббат ва дуолар ила йўқлаб юришади.

Хўш, муаллиманинг тақдири нима бўлганига қизиқаяпсизми? Нима ҳам бўлар эди, таълим-тарбия, диний-илмий, маданий тараққиётга қарши бўлган, чақимчилик ва сотқинликдан тап тортмайдиган ҳар қандай киши маҳкум бўлган хорликка мубтало бўлди. У аёл ҳозир ҳам ҳаёт. Қачонлардир ўзи ҳам, фарзандлари ҳам қишлоқнинг энг олди бўлган бу кишиларнинг оқибати ҳавас қиларли эмас: иккита ўғли ичкиликка муккасидан кетиб, одамгарчиликдан чиқиб қолган, кекса онасини ҳам уйдан ҳайдаб юборган. Қариб эси кирар-чиқар бўлиб қолган муаллима ҳар ой олган нафақасини ҳали у танишига, ҳали бу танишига бериб, галма-галдан уларнинг уйларида яшаб, сарсон-саргардон умр ўтказмоқда...

Бу кампир ҳақида ҳар гал эшитганимда, ўша қилмишларини эслаб афсусланармикан, деб ўйлайман.

Халқнинг маърифатли бўлиши йўлида жонини нисор этган фидокорлар билан курашган, уларни моддий-маънавий, жисмоний қийноқларга солган совет ҳукумати но-зирларининг оқибати ҳам мана шу сотқин муаллиманикидан асло кам бўлмаган.

Аллоҳ таоло кишиларга ўрнак-намуна қилиб қўйган, қилмиш-қидирмишга маҳкум бўлган бу каби кимсалар виждони билан ёлғиз қолганида, ич-ичидан кўрқмасмикин, охиратидан хавотир олмасмикин? Менимча, улар ҳаммадан ҳам кўпроқ кўрқишади, даҳшатларининг зўридан аксарияти эси оғиб қолиши ҳам шундан дур балки... Аммо дардини кимга айтсин? Қанчалар катта кетиб қўйганини ўзи ҳам англаб турибди-ку..

Алҳамдулиллаҳ, у оғир даврлар ўтиб кетди. Мустақилликдан кейин имомдомлалар фаолиятида бўлгани каби, отинийлар фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди, уларга давлат миқёсида эътибор қаратила бошланди. Уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёш авлодга таълим-тарбия беришлари йўлида чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Умид қиламизки, бундай ижобий ўзгаришлар давом этиб, маънавиятимиз посбонни бўлган отинийлар ўз мақомларига лойиқ эҳтиромга сазовор бўлиб бордилар ва ўзлигимизни асрашда яна беминнат хизмат кўрсатиб, эл-юртнинг табаррук дуоғўйлари бўлиб юрадилар. Зотан, эрки ўз қўлида бўлган халққа шу ярашади.

Зебунисо Қутбиддин
қизи

Оналик

Ёш оналаримизга маслаҳат

Оналик аёл ҳаётидаги энг гўзал ҳодисадир. Болани кутиб, бўлгуси она ўзига эътиборли бўлади ва мўъжиза каби чақалоқ туғилишини кутади. Аммо кўпинча бу қувончга баъзи нарсалар соя солади, чунки бола туғилгандан кейин онанинг териси ўзгаради, у қуруқ, таъсирчан бўлади. Кўкрак сути билан боқадиган аёллар кўпроқ хавф остида бўладилар, аммо сиз оддий қоидаларга риоя қилиш ва янги одатларни ривожлантириш орқали уни ўзингиз бошқаришингиз мумкин.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳомиладорлик ва туғиш аёлни психологик ва жисмоний жиҳатдан катта даражада ўзгартиради. Энг сезиларли ташқи ўзгаришлар қуруқ тери ҳисобланади. Фақатгина сабабни аниқлаб, вазиятни яхшилаш ва аёлни гуллаб-яшнаган, яхши кўринишга қайтариш мумкин. Бу сабаблар асосан:

1. **Гормонлар.** Ҳомиладорлик тугагандан сўнг, аёлнинг гормонал фониди ўзгаришлар юз беради, айниқса у боласини эмизишга қарор қилса. Қуруқлик танада кузатилади: кўпинча қўлларда, юзда, оёқларда. Гормонлар мувозанати ҳар кимда ҳар хил йўллар билан тикланади, баъзида бу жараён бир неча ой ёки ундан кўп давом этиши мумкин.

2. **Гиповитаминоз.** Ҳомиладор аёл кўпроқ витаминларга муҳтож, шунинг учун у кўплаб мева ва сабзавотларни истеъмол қилади. Боланинг туғилиши ва эмизишни бошлаш билан овқатланиш ўзгаради, кўплаб маҳсулотлар тақиқланади. Ушбу қайта қуриш даврида терининг қуриши кўпинча туғруқдан кейин кузатилади.



3. **Сув етишмаслиги.** Ҳомиладорлик пайтида танада катта миқдордаги намлик тўпланади. Амниотик суюқлик қорин бўшлиғининг кўп қисмини ташкил қилади. Туққандан сўнг танадан барча суюқлик жуда тез чиқариб ташланади. Кўкрак сути билан боқиш пайтида терининг қуриши сут ишлаб чиқариш жуда кўп суюқликка муҳтожлиги сабабли пайдо бўлади ва аёл ҳали ичиш режимини ўзгартирмаганлиги сабабли тери қуриydi.

4. **Уйқу етишмаслиги.** Онанинг биринчи кечалари кўпинча уйқусиз бўлади. Қундалик тартибдаги бундай ўзгаришлар унинг ташқи кўринишига салбий таъсир қилади.

5. **Омега 6 унсурини етишмаслиги.**

Муаммони қандай ҳал қилиш керак? Кўпинча, қуруқ тери ҳомиладор аёлларда қўллар, оёқлар ва юзларда намоён бўлади.

Қуйида айтилган қоидалар

сизнинг саломатлигингизга ижобий таъсир кўрсатади:

Аввало, гигиенага риоя қилинг. Терини мунтазам равишда тозалаб туриг. Намловчи воситалардан фойдаланинг. Мувозанатли овқатланиш ва ичимлик режимини ўрнатинг.

Кўпгина ишлаб чиқарувчилар ҳомиладор ва эмизикли оналар учун махсус косметика воситаларини ишлаб чиқарадилар. Бу маҳсулотлар аллергия эмас ва табиий маҳсулотлардан тайёрланади. Масалан, болалар учун "Алиса" креми, зайтун ёғи, канакунжут ёғидан фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, аёллар муаммони бартараф қилишда поливитаминлардан ичиб туриш керак. Кўпроқ сабзавот, мева, балиқ, зиғир ёғи, сутқатиқ истеъмол қилинг. Кун давомида кўп-кўп илиқ сув ичишни асло қилманг.

Феруза Обидова,
шифокор

МАВЛИД ОЙИГА ХОС АЖОЙИБ ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Насроний роҳиб Пайғамбаримиз алайҳиссалом болаликларида дуч келганида: “Мен уни нубувват муҳридан танийман”, деб қайси белгиларини айтган?
 - a) Курак суяги устидаги олмага ўхшаган белги.
 - b) Икки кураги орасидаги белги.
 - c) Елкаларидаги белги.
2. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи вассаллам пайғамбарлик келишидан қанча вақт аввал Ҳиро ғорида “таханнус” ибодатини бажарар эдилар?
 - a) 2 йил аввал
 - b) 1 йил аввал
 - c) 6 ой аввал
3. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ваҳий қай кўринишида келишини “энг қийин” деб айтганлар?
 - a) Фариштанинг инсон суратида келиши.
 - b) Ҳудди қўнғироқдек жаранглаб келиши.
 - c) Фариштанинг ўз суратида келиши.
4. Исломга ёшлардан ким биринчи бўлиб кирган эди?
 - a) Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу.
 - b) Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу.
 - c) Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳу.
5. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи вассаллам Исломга инсонларни неча йил давомида яширин даъват қилганлар?
 - a) 3 йил.
 - b) 1 йил.
 - c) 2 йил.
6. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи вассаллам ўзларига қайси ояти карималар нозил бўлгандан кейин қурайшликларни очиқчасига даъват қилдилар?
 - a) Шуъаро сураси (214-215 оятлар).
 - b) Иқроъ сураси (1-2 оятлар).
 - c) Муддассир сураси (1-2 оятлар).
7. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг 5 та исмларидан бири бўлган “Оқиб” исмлари қандай маънони англатади?
 - a) Ўчириб ташлаш.
 - b) Кўп ҳамд айтувчи.
 - c) Ортда қолувчи.
8. Иброҳим алайҳиссалом оловга отилганларида “Ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакийл” деганлар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом “Ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакийл” деб қачон айтганлар?
 - a) Исро ва Меърож ҳодисасида.
 - b) Мусулмонлар учун оғир кечган қамал вақтида.
 - c) Қурайшликлар уларга қарши куч тўплаганларини айтиб, улардан кўрқиб кетмакчилиги айтилганида.
9. Уҳуд жангида Пайғамбаримиз алайҳиссаломни ҳимоя қилиб жанг қилган ва оғир ярадор бўлган саҳобия ким эди?
 - a) Умму Умора Нусайба бинт Каъб Моъиния розияллоҳу анҳо.
 - b) Умму Айман ва Умму Сулайм розияллоҳу анҳумо.
 - c) Ҳамна бинти Жаҳш розияллоҳу анҳо.
10. Расулulloҳ алайҳиссалом: “Сизнинг мусибатингиздек мусибатга учрамасам керак”, деб кимга нисбатан айтганлар?
 - a) Ҳамза розияллоҳу анҳунинг жасади устида айтганлар.
 - b) Хадийжа бинти Хувайлид розияллоҳу анҳо вафот этганларида айтганлар.
 - c) Абу Толиб ибн Абдулмутталиб вафот қилганларида айтганлар.
11. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи вассаллам “Батаҳқиқ, Аллоҳ таолонинг етти осмон устида чиқарган ҳукмини қилдинг» деб қайси саҳобийга айтган эдилар?
 - a) Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуга
 - b) Усайд ибн Ҳузайр розияллоҳу анҳуга
 - c) Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳуга
12. Ҳунайн ғазотида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи вассаллам ёнларида туриб жанг қилган саҳобия ким эди?
 - a) Умму Сулайм Бинт Милҳон розияллоҳу анҳу
 - b) Ҳамна бинти Жаҳш розияллоҳу анҳу
 - c) Умму Айман розияллоҳу анҳу

БОЛАЛАРНИНГ БОЛАЛИГИНИ ЙЎҚ ҚИЛМАНГ



Бир куни қабулимга келган 45-50 ёшлар атрофидаги бир гўзал аёл билан суҳбатлашиб қолдим. Ташқи кўринишидан ўзига тўқ, ҳаётдан мамнун, бекаму-кўст яшаётган аёлга ўхшарди. Бу доимги ташқи кўриниш. Аммо психолог бир-иккита савол бера бошласа, инсонда бутунлай ўзгача кўриниш гавдаланади. Кўзларига разм солинса, унинг тубидан кучли қайғу, алам намоён бўлади. Савол-жавоблар қилар эканман, бутун ҳаётидаги бахтсизлигининг сабаби, эҳтимол бахтининг қадрини билмаганининг сабаби доимгидек болалик даврига бориб тақалишини кузатиш мумкин эди. Унинг онасига бўлган важоҳати, "Онамга бориб: "Сиз ундайсиз, сиз бундайсиз", деб айтгим келаяпти, балки шунда кўнглим таскин топар-а?" деган гаплари қалбимни ўртаб юборди, ич-ичимдан дилим оғриди. Афсуски, бундай аёлларимиз орамизда кам эмас...

Болалик даврини инсон умрида фақатгина бир маротаба кечиради. У бир зумда ўтади-кетди. Орқага қайтариб бўлмайди ёки ўзгартириб ҳам бўлмайди. Фарзандни дунёга келтириш ота-она учун қанчалар катта масъулият эканини, афсуски, кўпчилик англамайди. Аксарият ҳол-

да ота-оналар боланинг еб-ичиши, кийинишига кўпроқ эътибор қаратишади. Аммо унинг тарбияси, руҳияти билан қизиқишмайди. Унинг онгида болалик асоратидан йиғилиб қотиб қоладиган ва уни умр бўйи қалбини емириб борувчи ўй-хаёлларини, дунёқарашларини ҳеч ким ўйламайди. Бундай бола катта бўлгач, ўзи билан ўзи курашиб юраверади, кўпгина саволларига жавоб излайверади ва яхши ишларга, шаклланишига, билим олишига сарфлаши керак бўлган энергиясини кераксиз ўй-хаёлларга, сиқилишларга сарф қилаверади, хафагарчиликларидан ўзи эзилиб юраверади.

Хафагарчилик бу шунчаки бировдан қўрқиш, жисмоний оғриқ ҳис этиш ёки атрофдагиларга бўлган реакциягина эмас. Хафагарчилик бу онг остига қараб илдиз отувчи психологик муаммоларнинг комплексларидир. Булар қандай илдиз отиши мумкин? Яъни болалик қалб жароҳатлари, инсоннинг ўзи фаҳмлай ололмаган эмоционал реакция, ўзига бўлган баҳосининг пастлиги, атрофдагиларнинг маъқуллашига боғланиб қолиш, ўзининг муҳимлигини юқори даражада баҳолаш (ҳаддан зиёд ўзига бино қўйиш), атрофдагилардан кутилган муносабатга эга бўлолмастик, эски хафагарчиликларга бўлган эмоциянинг қўпли-

ги, ўзини ўзи кўп амаллардан чегаралаш, қурбонлик менталитети, бировни манипуляция қилиш ва бошқалар. Мана бу психологик муаммолар комплексларининг деярли катта қисми боланинг туғилиши билан чақалоқлик давридан бошлаб онгида пайдо бўла бошлайди.

Она фарзандига ҳомиладор экан, у бу фарзандига нима бера олишини ўйлаб юриши, уни камолотга қандай олиб чиқиши мумкинлигини мулоҳаза қилиб юриши керак. Бола туғилгач, уч ойгача она қорнидаги ҳолатни эслатувчи шароитни ҳосил қилиши керак. Она ва бола айрилмас бир тана каби бўлиши керак. Мисол учун, бола ухлаётганида у ўз жойида ётади, аммо уйғонаётганида онаси уни бағрига олиши шарт. Негаки бола уйғонгач, бу дунёда ёлғизлигини, уни онаси бағрига ололмаглигини ҳис этса, боланинг онги ўзига яраша фантазияларга берила бошлайди. Психик касалликнинг биринчи пойдевори шунда қурилади. Яъни инсоннинг ўз дунёси пайдо бўлиб, унга жамият керак эмас бўлади. Чунки бу болада у ва унинг фантазиясидаги жамияти ҳосил бўлган бўлади.

Бола уч ойлик бўлмагунча она уй юмушларидан биров озод этилиши керак. Табиий ҳар бир оила вакиллари шу хонадонда туғилган болаларнинг соғ-

лом бўлишини истайди. Психологик соғломлик эса болага бўлган эътибордан бошланади. Агар наслида психик касаллик бўлмаса ва ҳаёти давомида кучли шикастланишлар бўлмаса, юқорида айтилган гўзал шароитда ўсиб-улғайса, психик касалликларга учрамайди. Боланинг ҳаётида уч ёшигача она актив бўлиши ва уч ёшидан олти ёшигача ота актив бўлиши, олти ёшдан кейин эса ҳам она, ҳам ота актив бўлиши керак. Шунда болада психологик қийинчиликлар бўлмайди. У ўзига ишонган, руҳан соғлом бўлиб ўсади. Аммо бунинг ўзи етарли эмас. Кўпинча “қурбон” даражасидаги, омадсиз, билимсиз ёки билимларини тўғри қўллай ололмайдиган, ўзига ишонмайдиган, ўзини ҳаммадан паст кўрадиган ёки аксинча атрофдагиларга озор берувчи, бетга чопар, худбин инсонларнинг болалик даврига эътибор берилса, оиласида онаси отасига ўзини “қурбон” қилиб қўйган ёки онаси ўзини қайнонасига, қайнотасига “қурбон” қилиб берган инсонлардир.

Кўп йиллик тажрибалар шуни тақозо этадики, фарзандлар учун ота-онасининг унга бўлган муомаласи қай даражада муҳим бўлса, ота-онанинг бир-бирларига бўлган муносабатлари ҳам ўта муҳимдир. Агар ота онани урса, унга бақирса, ёмон гаплар билан ҳақоратласа, бу бола-

нинг руҳиятига жуда ёмон таъсир этади. Ўғил бола бундай муомалани гувоҳи бўлиб улғайса, ўз онасининг хурматини қилмайдиган, оила қурганида эса ўз аҳли аёлига ҳам отаси онасига қилган муомаласини қиладиган бўлиши табиийдир. Агар оилада онага унинг қайнонаси зулм қилганини бола гувоҳи бўлиб ўсса, камига онасининг бундан эзилишларини, сиқилишларини, кўз ёш тўкканларини кўриб улғайса, бундай қиз келин бўлгач, ўз қайнонасидан ҳам худди шу муносабатларни ўзига жалб қилиб қўяди. Аксарият хонадонларда ўғил уйлангач, шу хонадонда келинга хўжайинлик қиладиганлар сони кўпаяди. Келин фақат иш қилувчи, уй тозаловчи, бутун оила аъзоларининг кирини ювувчи, ҳаммага икки-уч маҳал овқат пишириб дастурхон ҳозир қилувчи инсондир. Келин фарзанд тарбияловчи, эҳтимол олим ва олималарни ўстирувчи ОНА деб қабул қилинмайди. Бунинг энг кўрқинчли тарафлари шундаки, бундай инсонларнинг бир неча авлодининг келажаги поймол этилиб, таназзулга учрашига сабаб бўлиши мумкин.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ шундай деганлар:

"...Илм соҳасидаги қолоқлигимиз бошқалардан кўра илмга кўпроқ уринишимиз лозимлигини тақозо қилади. Воқеъликда эса, бунинг тескариси бўлмоқда. Бошқа тараққий этган халқлар йил

сайин, ой сайин илмга кўпроқ маблағ сарфлаб, илмдан яна ҳам кўпроқ фойда олишга уринаётган бир пайтда биз муслмонлар бефойда нарсаларга керагидан ортиқ маблағ ва куч сарфлаб, илмга эса керакли нарсани ҳам ажратмаяпмиз. Илм учун қилинаётган ҳамма ишлар хўжақўрсингадир.


Ислон юртларида илмий савияни ўқув юртларининг сони ва номига, талабаларнинг ададига қараб ўлчаш одат бўлиб қолмоқда. Бу эса ожизлик аломатидир. «Бизда фалонча дорулфунун бор, аҳолининг фалон фоизи талаба», дейиш билан нима фойда топилади?

Аслида эса, илмнинг савияси унинг жамиятга келтираётган фойдасига қараб белгиланади. Бошқалар ҳар бир илмдан инсон учун, инсоннинг яхши яшаши учун фойда олиш билан банд бўлиб турган бир пайтда биз саводхонликни илм, деб юрибмиз" ("Ҳадис ва Ҳаёт" китобидан).

Дарҳақиқат, бошқалар ҳар бир илмдан инсон учун, инсоннинг яхши яшаши учун фойда олиш билан банд бўлиб турган бир пайтда, биз болаларимизга қандай келажак бермоқдамиз? Болалигини асраб-авайлаб, руҳиятини бўғмай, гўзал келажак сари илдам қадам босишини таъминлаб беришга нечоғлик қодирмиз?..

Бу ҳақда албатта ўйлаб кўрайлик...

Мадина Джураева,
психолог



Жавоблар:

- 1.a
- 2.a
- 3.b
- 4.b
- 5.a
- 6.a
- 7.c
- 8.c
- 9.a
- 10.a
- 11.c
- 12.a

MUSLIMAAT.UZ ХАЁТИДАН

«Сарҳисоб-1440»

2019 йили 15 сентябрда "muslimaat.uz" сайти ва "Bintu Sodik" ахборот-маърифий каналининг «Сарҳисоб-1440» ҳисобот тадбири бўлиб ўтди.

Унга бир неча интернет нашрлари, "Тараққиёт" телеканали, "Болажон" теледастури ва бошқа давлат идораларидан азиз меҳмонлар, шунингдек, сайтимизнинг муҳтарама мухлислари ташриф буюришди. сайтнинг фидойи ходимларидан таржимон Зарнигор Аҳмадалиевага, монтаж устаси Иброҳим Муҳаммадёрга, самарали ҳамкорлик учун "Тараққиёт" телевидениясига ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Отинойларимиз учун муҳим қўлланмалар тақдимоти

2019 йилнинг 14 ноябрь куни шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф жомеъ масжиди мажлислар залида отинойлар учун чоп этилган қўлланмаларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тақдимотда Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон муслмонлари идораси хо-



димлари, Хадичаи Кубро аёл-қизлар ўрта махсус Ислом билим юрти вакиллари, республикада, шунингдек, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритаётган отинойларимиз ҳамда «Мовароуннаҳр» нашриёти ходимлари иштирок этишди.

«Буюкларнинг буюги – Муҳаммад алайҳиссалом»

2019 йили 17 ноябрь куни Nilol-nashr матбаа-нашриётининг мажлислар залида робийул аввал ойи муносабати билан ислом.уз портали, muslimaat.uz саҳифаси ҳамда Бинту Содик ахборот-маъри-

фий канали томонидан ташкил этилган «Буюкларнинг буюги – Муҳаммад алайҳиссалом» номли мавлид тадбири бўлиб ўтди. Тадбирга Ўзбекистон муслмонлар идораси вакиллари, Тошкент ислом институти ҳамда Хадичаи Кубро аёл-қизлар Ислом ўрта-махсус билим юрти мудarrisалари, турли ташкилот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунингдек, muslimaat.uz саҳифасининг мухлислари ва бошқа меҳмонлар иштирок этишди.

«Муаллим» ўқув марказида «Оила психологияси» курслари очилди

2020 йилнинг 2 март куни пойтахтимизда «Муаллим» деб номланган янги ўқув марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

«Чимир ота» жомеъ масжидининг имом-ноиб Абдулбосит Абдуллажоновнинг ташаббуси ва раҳбарлиги остида ташкил этилиб, малякали мутахассислар жалб этилган мазкур ўқув маркази муҳтарама аёлларимизга,





суюкли опа-сингилларимизга, оила қуриш бўсағасида турган юртимиз ёшларига фаровон, мустақкам оила қуриш сирларини ўргатишни, бу йўлда зарур кўрсатмалар билан уларга ёрдам беришни, рўзғор илми хусусида, гўзал одоб-ахлоқ борасида ўзларининг тавсиялари, насихат ва маслаҳатлари билан кўмак беришни ният қилган.

Байрам тадбирида muslimaat.uz сайти ходимлари ҳам меҳмон сифатида иштирок этишди.

«Тараннум» танлови ғолиблари аниқланди

Muslimaat.uz сайти қошида аёл-қизлар ўртасида гўзал салавоту нашидлар ижро соҳибаларини аниқлаш мақсадида бу йил ҳам азиз опа-сингилларимизнинг талаб ва таклифларини инобатга олган ҳолда, "Тараннум" танлови эълон қилинди. Танловда Республика бўйлаб иштирок этиш истагини билдирган 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган аёл-қизлар онлайн тарзда қатнашишди.

Танлов икки босқичда ўтказилди. Дастлаб биринчи босқич иштирокчилари мутахассислар томонидан саралаб олинди. Иштирокчилар битта нашид ёки салавотни

ижро этиб, ижроларини онлайн тарзда махсус эълон қилган ботимизга юбордилар. Улардан ўн нафар иштирокчи саралаб олинди. Улар иккинчи босқичга йўланма олдилар.

2020 йилнинг 15 июнь куни танловнинг иккинчи босқичи ўтказилиб, ғолиблар аниқланди. Биринчи босқичда саралаб олинган ўн нафар гўзал овоз соҳибларининг махсус топшириқ асосида жонли ижролари малакали мутахассислар томонидан эшитиб, ўрганилди. Вокал, маҳорат ва ижроси ҳамда тажвид қоидаларига қай тарзда эътибор қаратилганига аҳамият берилди.

“Ғолиблик муборак” тақдирланишди



Милодий 2020 йил, ҳижрий 1442 йил 24 август куни танлов ғолибларини тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди. Юртимизда бўлиб турган вазият сабаб, бугунги тадбиримизни кичик доирада, фақат ғолиблар иштирокида ўтказишга тўғри келди. Шунинг билан маълум қиламизки, танлов эълон қилинган кундан бошлаб бизнинг манзилимизга мухлисларимиздан жуда кўплаб материаллар келди.

«Илм-маърифатда пешқадам аёл» йўналиши бўйича жами 22 та қатнашчи ўзларининг илмий ишлари билан қатнашдилар.

«Малакали таржимон, муҳаррир, ўткир қалам эгаси – муслимаат.уз сайти ходими» – иккинчи йўналишда 80 га яқин иштирокчи ўз материаллари билан қатнашди.

«Моҳир аёл – оила бахти» йўналишида ўзининг моҳирлиги билан оиласида, эл ичида иззат-ҳурмат топган опа-сингилларимиз тикувчилик, тўқувчилик, хунармандчилик, дизайнерлик ва бошқа турли соҳалар бўйича ижод намуналари билан танловда иштирок этдилар. 200 нафар иштирокчи 2200 дан ортиқ ижод намуналар билан қатнашдилар.



Ғолиб болажонларимиз тақдирландилар

2020 йили 27 август куни "Ҳилол нашр" мажлислар залида ғолиб болажонларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир Қуръони карим тиловати билан бошланди. Устозамиз, muslimaat.uz сайти ҳамда Bintu Sodik канали раҳбари Одинахон Муҳаммад Содикнинг хайрли дуолари билан очилди.

Дастлаб ҳар бир йўналишда ғолиб бўлган уч нафардан 10 нафар жажжи болажонлар, сўнгра катта ёшдаги 9 нафар болажонлар, жами 19 нафар иштирокчилар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

"Munshidaat.uz" гуруҳи ташкил этилди

2020 йил август ойидан Muslimaat.uz сайти, Bintu Sodik диний-маърифий ахборот канали раҳбари, устозамиз Одинахон Муҳаммад Содик "Маржона" саловот-нашидчи қизлар ансамблини янада такомиллаштириб, "Munshidaat.uz" деб номланган ансамблини ташкил этди. Muslimaat.uz сайти қошида аёл-қизлар ўртасида гўзал салавоту нашидлар ижро со-

ҳибаларини аниқлаш мақсадида ўтказилган "Тараннум" танлови ғолиблари ушбу ансамбл иштирокчиларига айланди.

Ҳозирда ансамблда 12 нафар саловот-нашидчи қизлар фаолият юритмоқда.

"Muallim media" – бебаҳо мерос акс этган кўзгу!

2020 йил 1 февраль куни muslimaat.uz сайти ва Bintu Sodik канали раҳбари, устозамиз Одинахон Муҳаммад Содик ташаббуслари ва хайрли дуолари билан янги илмий-маърифий онлайн телеканал – Hilol TV иш бошлади.

2020 йил октябр ойидан Hilol TV янги ном ва янги лойиҳалар билан "Muallim media" илмий-маърифий онлайн канали сифатида иш бошлади.

У юртимизда фаолият олиб бораётган бошқа онлайн телеканаллар қатори, халқимиз учун фойдали ва манфаатли каналлардан бирига айланишига умид қиламиз.

"Muslima" liboslari – янги телеграм саҳифаси очилди

2020 йилнинг 18 сентябрь куни муҳтарама опа-сингилларимизда кийиниш маданиятига, шаръий ва миллий кийиниш одобига бўлган эътиборни кучайтириш, эҳтиром ва муҳаббат уйғотиш мақсадида «Muslima» дўконимизнинг янги телеграм саҳифаси очилди.

Бу телеграм саҳифамиз тарихдан бизга фахр ва ғурур бўлиб келаётган миллий матоларимиздан тикилган замонавий, классик кўринишдаги кийимларимиз опа-сингилларимизга ўзлигини намоён этишига, замон билан ҳамнафас қадам ташлашига ёрдам беради, деган умиддамиз.

